БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 61 (16.447). | 16 март 1976 йил, сешанба | Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXV СЪЕЗДИ ТЎҒРИСИДА ЛЕКЦИЯ ВА СУҲБАТЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети КПСС XXV съезди материалларини пропаганда қилиш ва тушунтириш учун олимлар ва халқ хўжалиги мутахассисларидан катта бир группасини республика областларига юборди.

Улар КПСС XXV съездининг иши, унинг ҳужжатлари тўғрисида меҳнаткашлар ҳузурида лекция ва суҳбатлар билан чиқадилар, жойларда бошланғич партия ташкилотларига, агитатор ва пропагандистларга ташкилий-методик ёрдам кўрсатадилар, идеология ходимларининг район ва шаҳар семинарлари ҳамда кенгашлари ишида иштирок этадилар.

(ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

«ГАЗЛИНЕФТЕГАЗ» ГАЗ-НЕФТЬ КОНЛАРИ БОШҚАРМАСИНИНГ НЕФТЬ ВА ГАЗ ҚАЗИБ ЧИҚАРУВЧИ ОПЕРАТОРИ ЎРТОҚ А. БАМУРОТОВГА СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Тўқкизинчи беш йиллик топшириқларини ҳамда социалистик мажбуриятларини бажаришда эришган жуда катта муваффақиятлари учун Ўзбекистон ССРда газ қазиб чиқарувчи Бутуниттифоқ саноат бирлашмаси «Газлинефтегаз» газ-нефть конлари бошқармасининг нефть ва газ қазиб чиқарувчи оператори ўрток Аслон Бамуротовга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилиб, Ленин ордени ҳамда «Ўроқ ва болға» олтин медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль,
1976 йил, 5 март.

САМАРАДОРЛИК ВА СИФАТ — БОШ МАСАЛА

Барча совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам КПСС XXV съезди тарихий қарорларидан руҳланган ҳолда ўнинчи беш йиллиннинг улуғвор вазифаларини адо этишга завқ-шавқ билан киришдилар. Чунки улар ўнинчи беш йиллик Ватанимизни фаровонлик чўқиснга кўтаришини, ҳар бир уйга, ҳар бир хонадонга олам-олам қувонч олиб келишини яхши биладилар. «Ҳар қандай стратегия каби партиянинг иқтисодий стратегияси ҳам вазифаларни ўртага қўйишдан, фундаментал узоқ мудатга мўлжалланган мақсадларни белгилашдан бошланади, — деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида партия Марказий Комитети номидан қилган Ҳисобот докладида. — Халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини муттасил юксалтириш шу мақсадлар орасида олий мақсад бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади».

Шонли Ленин партиясининг XXV съезди мамлакат олдига қўйган жуда катта, хилма-хил иқтисодий ва социал вазифаларни меҳнат унумдорлигини тез ўстириш, бутун ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин ошириш, улкан коммунистик бунёдкорлик фронтининг ҳар бир участкасида иш сифатини тубдан яхшилаш йўли билангина муваффақиятли ҳал этиш мумкин.

Ўнинчи беш йилликда самарадорлик ва сифат масаласига зўр берилиши ҳақида қайта-қайта уқдирилмоқда. Қўл меҳнати салмоғини кескин камайтириш, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш иқтисодий юксалишнинг зарур шартидир. Аслини олганда, халқ хўжалигининг структураси ва техникавий даражасида чуқур сифат силжишлар қилинишига эришиш, унинг ўз қиёфасини ҳам тубдан ўзгартириш керак. Партиянинг самарадорликни ошириш тўғрисидаги йўл-йўриқлари амалда ана шундай маънони билдиради.

Иккинчи бош масала — сифат проблемаси. Жуда кенг маънодаги бу проблема хўжалик фаолиятининг ҳамма соҳаларини ўз ичига олади. Юқори сифат деганда меҳнатни ва моддий ресурсларни тежаш, экспорт имкониятларини кўпайтириш, пировард натижада эса жамият эҳтиёжларини яхшироқ, янада тўлароқ қондириш маъносида тушунилади. Шу боисдан ҳам планлаштириш ва бошқаришнинг бутун системаси, инжекерлар ва конструкторларнинг куч-ғайратлари, ишчиларнинг маҳорати маҳсулот сифатини оширишга қаратилиши лозим.

Ўзбекистон партия ташкилоти кейинги йилларда саноатимиз қиёфасини ўзгартириш, унинг структурасини яхшилаш, илмий-техникавий даражаси ва самарадорлигини кўтариш, шу асосда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг анча юксак суръатларига эришиш учун катта ташкилотчилик ишларини амалга оширди. Натижада тўқкизинчи беш йилликда ишлаб чиқариш ҳажми КПСС XXIV съезди Директиваларида кўзда тутилган 45-49 ўрнига 51 процентдан зиёд кўпайди. Техника тараққиётини таъминлайдиган ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширадиган тармоқлар илдам ривожлантирилди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев кўрсатиб ўтганидек, бошқаришни такомиллаштириш аввало сиёсий, партиявий ишдир. Халқ хўжалигига раҳбарликни такомиллаштириш ишида республика партия ташкилоти ишлаб чиқаришни концентрациялаш ва марказлаштиришнинг замонавий формаларини жорий қилишга, ихтисослаштиришни чуқурлаштиришга, бошқарувнинг ташкилий структурасини яхшилашга катта аҳамият бермоқда. Бу ишнинг самарасини «Малика» фирмаси мисолида кўриш мумкин. Бир неча йил муқаддам олтита кичик, тарқоқ корхона негизида мазкур трикотаж фирмаси ташкил этилган эди. Унда бошқарув ва ишлаб чиқариш жараёнларининг ҳаммаси марказлаштирилди. Бу эса бўлимлар ва цехларнинг қариб ярмисини тугатиш, маъмурий аппаратлар штатларини анча қисқартириш имконини берди. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми икки баравар ошди. Эсиншнинг 90 проценти меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан қўлга киритилди. Фондларнинг бераётган самараси 1,6 баравар кўпайди. Фирма республикада ишлаб чиқарилаётган трикотаж маҳсулотининг ярмидан кўпроғини бермоқда. Тайёрланаётган маҳсулот хилларининг 20 таси Сифат белгисига эга.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини жадал ўстириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш учун нурашда хали фойдаланилмай ётган талайгина резерв ва имкониятлар мавжуд. Маълумки, асбоб-ускуналарни иш билан максимал равишда таъминлаш фондларнинг самарадорлигини оширишнинг — умуман, самарадорликни ўстиришнинг энг кучли воситаларидан бири. Ушбу проблеманинг муҳимлигини қуйидаги оддий ҳисоб-китобдан ҳам билса бўлади. Агар асосий фондларнинг ҳар бир сўми самараси лоақал бир тийин кўпайтирилса, фақат шунинг ҳисобига 60 миллион сўмлик қўшимча маҳсулот олиш мумкин. Ҳолбуки, Тошкент, Қашқадарё, Бухоро ва Хоразм областлари корхоналарида, Енгил, Озиқ-овқат, Маҳаллий саноат ва Бинокорлик материаллари саноати министрликлари системаларида фондларнинг самарадорлиги паст. Кўпгина корхоналарда эса нурватлар суст ўзлаштирилмоқда. Масалан, Чирчиқ трансформатор заводида машина ва механизмлар нурватидан атиги 60 процент фойдаланилмоқда. холос. Шунинг натижасида корхона сўнгги беш йил ичида 4 миллион сўмликдан зиёд маҳсулотни бермади. Қарши бинокорлик материаллари комбинатида, Термез, Андижон, Шаргун ва Ангрен заводларида ғишт ишлаб чиқарадиган янги технология линиялари бекор ётибди. Айрим областлар ҳамда Енгил саноат, Тайёрлаш министрликлари ва «Узглавводстрой» ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш юзасидан тўқкизинчи беш йиллик топшириқларини бажармади.

Маҳсулот сифатини ошириш соҳасида ҳам қатор камчиликлар мавжуд. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида Сифат белгиси олган маҳсулотлар салмоғи ҳали оз. Эскириб қолган моделдаги машиналар, асбоб-ускуналар ва приборларни ишлаб чиқариш ҳоллари ҳамон давом этмоқда. Енгил, озиқ-овқат, маҳаллий ва мебель саноати ахолининг юқори сифатли моллларга бўлган талабини қондира олмаётир.

КПСС XXV съезди ишлаб чиқариш самарадорлиги ва халқ хўжалигининг барча бўғинларида иш сифатини оширишнинг бош йўлларини белгилаб берди. Бу соҳада олдимизда катта вазифалар турибди. Бу вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бизда маланали кадрларнинг катта армияси етишиб чиққан, хўжалик қурилишида бой тажриба тўпланган. Энг муҳими, меҳнаткашлар юксак интизом, ташаббускорлик, партия режаларини амалга ошириш иштиёқи билан нафас олмоқдалар.

Социалистик мусобақа ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ҳар томонлама оширишда қудратли омилдир. Ўтган беш йиллик тажрибаси ривожланишнинг ҳозирги босқичида мусобақага комплекс ёндашиш зарурлигини кўрсатди. Республикамизда мусобақага комплекс ёндашишнинг оммавий ҳаракати муваффақиятли бошланди. Бир беш йилликда икки беш йиллик шахсий нормасини бажариш ташаббускорларининг издошлари борган сари кўпаймоқда. Львовликларнинг сифатни бошқаришнинг комплекс системасини жорий этиш тажрибаси кенг ёйилмоқда. Москваликларнинг «Сифат беш йиллигига — ишчи кафолоти» ҳаракати авж олаётир. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида «Сифат беш йиллигига — инженерлик кафолоти» ташаббуси вужудга келди. Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ҳамда хўжалик раҳбарлари бу ватанпарварлик ҳаракатига мажбурий равишда кўпроқ тармоқларни, инженер ва техникларни, планлаштирувчилар ва бошқарув ходимларини жалб этиш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқдалар зарур.

Партиянинг улкан режаларини амалга ошириш, аввалгидек, индустриянинг барча ходимларидан зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятлар ва мукобил планларни бажариш учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришни, омманинг ижодий ташаббускорлигини ҳар тарафлама рағбатлантиришни, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига сўзсиз бўйсунишни, топширилган иш учун масъулиятни янада кучайтиришни талаб қилаверади. Партия, давр талаби шу!

КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

БЕШ ЙИЛЛИК — ҲАР БИРИМИЗНИНГ ЖОНАЖОН ИШИМИЗ

Кеча Тошкентда республика сабзавоткорлари, полизчилари, боғбонлари ва соҳибкорларининг қурултойи бўлиб ўтди.

Суратда қурултой қатнашчилари (чапдан): Тошкент область Янгийўл районидаги Свердлов номли совхоз бригада бошлиғи Қ. Ҳамроев, Самарқанд область Каттақўрғон районидаги «Қорадарё» совхозининг бригада бошлиғи И. Бедилов, Бухоро область Бухоро районидаги «Маданият» колхозининг бригада бошлиғи Х. Аминов, Фарғона область Фарғона районидаги Ленин номли совхозининг бригада бошлиғи У. Орипов, Наманган область Тўрақўрғон районидаги «Ўзбекистон 50 йиллиги» колхозининг бригада бошлиғи С. Осимхонов ҳамда Самарқанд область Пайариқ районидаги Куйбишев номли колхозининг бригада бошлиғи У. Хўжақулов ўртоқлар.

А. Тўраев фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН КОМСОМОЛИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг VIII пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари «1976 йилда маккажўхори дони етиштиришни янада кўпайтириш юзасидан республика комсомол ташкилотларининг вазифалари тўғрисида» Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Г. Гафуржонов докладини муҳокама қилдилар.

Тўқкизинчи беш йилликда ёшларнинг бевосита иштирокида республика колхоз ва совхозларида режада белгиланганига нисбатан 847 минг тонна кўп маккажўхори дони етиштирилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида далаларда 2 мингдан ортиқ комсомол-ёшлар маккажўхорикорлик бригадаси ишлайди. Ёш деҳқонлар бир миллион тонна дон тайёрлаймиз, деб юксак мажбурият олганлар. Агар бултур маккажўхорикорлар гектар бошига 54,6 центнер дон олишни ваъда қилган бўлсалар, бу йил улар 70 центнерлик маррани эгаллашга қарор қилдилар.

Пленум гектар бошига 100 центнер маккажўхори ҳосили етиштириш мажбуриятини олган Қашқадарё область Карши районидаги комсомол-ёшлар бригадаларининг ташаббусини маъқуллади.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Р. Курбонов қатнашди.

(ЎзТАГ).

ДЕҲҚОНЛАРНИНГ ЮКСАК МАРРАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН САБЗАВОТКОРЛАРИ, ПОЛИЗЧИЛАРИ, БОҒБОНЛАРИ ВА СОҲИБКОРЛАРИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ

Ўзбекистоннинг энг яхши сабзавоткорлари, полизчилари, боғбонлари ва соҳибкорлари 15 март куни Тошкентда қурултойга тўпландилар. Қурултойда ишлаб чиқариш илғорлари, сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева ва узумдан мўл ҳосил олиш усталари. 1975 йилда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун ўтказилган социалистик мусобақа ғолиблари, колхозларнинг, совхозларнинг раҳбарлари, саноат корхоналарининг директорлари, партия, совет, қишлоқ хўжалик органларининг вакиллари қатнашдилар.

Қурултойни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев очди.

Қурултой қатнашчилари Марказий Комитет Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюросини баланд рух билан фахрий президиумга сайладилар.

«Тўқкизинчи беш йиллик якунлари ҳамда 1976 йилда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш юзасидан КПСС XXV съезди қарорларини ва социалистик мажбуриятларни бажариш соҳасида республика колхоз ва совхозларининг вазифалари» тўғрисида Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри А. А. Уркинбоев доклад қилди.

Докладчи қишлоқ хўжалигининг бу муҳим тармоғидаги ишларнинг аҳволини батафсил анализ қилди, ишга якун ясади, ҳал этилмаган масалаларга тўхталди. Механизацияни кенг миқёсда қўллаш, янги навларни жорий этиш, хўжаликларни ихтисослаштириш туфайли мева-сабзавот маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш мумкин бўлди.

Тўқкизинчи беш йиллик мобайнида Ўзбекистон деҳқонлари салкам 5 миллион 600 минг тонна сабзавот, 3 миллион 400 минг тоннага яқин полиз маҳсулотлари, 1 миллион тонна картошка, 3 миллион 850 минг тоннадан кўпроқ мева ва узум етиштирдилар. Аввалги беш йилликдагига нисбатан сабзавот тайёрлаш ҳажми 1,8 баравар, полиз маҳсулотлари тайёрлаш 1,9 баравар, мева ва узумдан мўл ҳосил олиш усталари, 1975 йилда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун ўтказилган социалистик мусобақа ғолиблари, колхозларнинг, совхозларнинг раҳбарлари, саноат корхоналарининг директорлари, партия, совет, қишлоқ хўжалик органларининг вакиллари қатнашдилар.

Қурултойни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев очди.

Қурултой қатнашчилари Марказий Комитет Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюросини баланд рух билан фахрий президиумга сайладилар.

«Тўқкизинчи беш йиллик якунлари ҳамда 1976 йилда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш юзасидан КПСС XXV съезди қарорларини ва социалистик мажбуриятларни бажариш соҳасида республика колхоз ва совхозларининг вазифалари» тўғрисида Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри А. А. Уркинбоев доклад қилди.

Докладчи қишлоқ хўжалигининг бу муҳим тармоғидаги ишларнинг аҳволини батафсил анализ қилди, ишга якун ясади, ҳал этилмаган масалаларга тўхталди. Механизацияни кенг миқёсда қўллаш, янги навларни жорий этиш, хўжаликларни ихтисослаштириш туфайли мева-сабзавот маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш мумкин бўлди.

Қурултойда «Узплодоовощвинпром» аграр-саноат бирлашмаси корхоналари ва ташкилотларининг 1975 йилги иш якунлари ва социалистик мажбуриятлари тўғрисида» шу бирлашма раиси О. А. Алимов доклад қилди.

Ҳозир «Узплодоовощвинпром» системасида 122 та ихтисослаштирилган совхоз ва 34 та қайта ишлаш корхонаси, катор бошқа ташкилотлар бор. Картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари мева, узум етиштириш, тайёрлаш, саноат усулида қайта ишлаш ва реализация қилиш битта комплексда бирлаштирилганлиги қишлоқ хўжалигининг шу тармоқларини жадал ривожлантиришга ёрдам бермоқда. Ўтган йили бирлашма хўжаликлари мева ва сабзавот тошириш планларини анча ошириб бажардилар.

Янги беш йилликда бирлашма меҳнаткашлари бутун йил бўйи маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлаш соҳасидаги катта вазифаларни ҳал этишлари лозим.

Қурултойда Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг директори М. М. Мирзаевнинг «Ўзбекистон ССРда боғдорчилик ва узумчиликни янада ривожлантиришнинг илмий асослари» тўғрисидаги доклади тингланди.

Республика олимлари, деб таъкидлади у, боғдорчиликни интенсивлаш методикасини, уни қишлоқ хўжалигининг сердаромад тармоқларидан бирига айлантириш йўлларини ишлаб чиқмоқдалар. Катта-катта боғ ва токзор массивларни барпо этиш, янги истиқболли навларни жорий қилиш, ҳамма ишларни янада механизациялаш — ана шу йўллар жумласига киради.

Хўжаободдаги Киров номли аграр-саноат бирлашмасининг директори М. Мадёров мева, узум, сабзавот етиштиришни кўпайтириш ва уни саноат усулида қайта ишлаш учун мавжуд бўлган катта имкониятлар ва резервлар тўғрисида гапирди. Ихтисослаштириш соҳасида дастлабки қадамларни қўйётган бу хўжалик ҳозирнинг ўзидаёқ муайян натижаларга эришди. Деҳқонлар экинзорларни кенгайтирмай туриб, кўпроқ мевасабзавот маҳсулотлари ола бошладилар, маҳсулот таннархини камайтирдилар. Хўжаободликлардан ибрат олса арзийди.

Тошкент областидаги «Огонёк» совхоз-заводининг бригадири А. Лепихин паст бўйли мева боғдорчилигини ривожлантириш соҳасидаги мароқли тажрибани тарқатиб берди. Хўжаликда бундай боғларни кўпайтириш учун катта имкониятлар бор. Бунда уларнинг Р. Р. Шредер номли институт олимлари билан қадимий дўстлиги ёрдам бермоқда.

Жиззах область Дўстлик районидаги Ленин номли совхоз бўлимининг бошқарувчиси К. Алиев ўз нутқини қўрик ерларда сабзавотчилик, боғдорчилик ва соҳибкорликни ривожлантиришнинг катта имкониятларига бағишлади.

Самарқанд районидаги Энгельс номли колхоз бригадири Н. Сўзиқулов. Тошкентдаги 1-теплица комбинатининг мастери М. Султонова. Тошкент районидаги Карл Маркс номли совхоз бригадири Ф. Мирзамов, Ғиждувон районидаги «Ғўлистон» колхозининг сабзаводчилик бригадаси раҳбари С. Шодиев, Самарқанд областидаги «Пастдаргом» совхозининг директори Н. Қосимов сабзаводчилик, полизчиликдаги илғор агротехника, шу тармоқлардаги ҳамма ишларни комплекс механизациялаш, уларнинг рентабеллигини ошириш тўғрисида, меваларни бевосита етиштирилган жойнинг ўзида саноат усулида қайта ишлашни ташкил қилиш ҳақида, маҳсулотни катъий ҳисобга олиш ва асраш зарурлиги тўғрисида, бу тармоқларда ҳал этилмаган проблемалар ва ҳамон мавжуд бўлган камчиликлар ҳақида гапирдилар.

Самарқанд район партия комитетининг биринчи секретари Р. Абдуллаев ва Калинин район партия комитетининг биринчи секретари Р. Қамбаров социалистик мусобақанинг янги формаларидан яхшироқ фойдаланишни, ижтимоий ишлаб чиқаришни юксалтириш учун маънавий ва моддий омилларни моҳирона қўшиб олиб боришнинг аҳамиятини таъкидлаб ўтдилар. Улар ўз нутқларида кадрларни тўғри танлаш ва тарбиялашга катта эътибор бердилар.

Нотиқлар КПСС XXV съезди қишлоқ хўжалигини юксалтиришга катта эътибор берганлиги тўғрисида гапирдилар. Коммунистик партиянинг ғамхўрлигига амалий иш билан жавоб бериш, йил сайин халққа тобора кўпроқ мева, узум, сабзавот, картошка етиштириб бериш — деҳқонларнинг бурчидир.

Қурултойда СССР озиқ-овқат саноати министри В. П. Ленин сўзга чиқди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов қурултойда катта нутқ сўзлади.

Қурултой қатнашчилари беш йилликнинг биринчи йили учун юксак мажбуриятларини қабул қилдилар. Бу йил 1 миллион 100 минг тонна сабзавот, 260 минг тонна мева ва 343 минг тонна узум, 600 минг тонна полиз маҳсулотлари ва 277 минг тонна картошка етиштиришга қарор қилинди.

Қурултой ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари И. Г. Анисимкин, И. Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусаҳонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Хўжаев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Қ. А. Аҳмедов, Г. А. Габриельянц, А. Р. Хўжаев иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ЎРУҒЛИК ТАЙЁР

Республиканинг пахта тозалаш заводларида кўклами экин-тикинга уруғлик тахт қилиб қўйилди. Ўзбекистон Пахта тозалаш саноати министрлиги корхоналарининг коллективлари 230 минг тоннадан кўпроқ юқори сифатли чигитни мўлжалдагидан ўн кун барвақт тозалаб қўйдилар.

— Бу йил, — деди министрлик бош агрономи С. Ю. Маҳмудов, — уруғлик тозаланиши билан пахта заводларида чигитни дорилашга киришилди. — Натижада 190 минг тонна чигит графикларидан барвақт дорилаб қўйилди. Бу йил деҳқонларнинг талабини ҳисобга олиб, аниқ экиш учун туксиз уруғлик ҳам кўпроқ тайёрланди. Биз ингичка толали нав пахта экиладиган майдонлар кўпайтирилажагини ҳам назарда тутдик. Бу йил республика пахта тозаловчилари ана шундай уруғдан 14.700 тоннасини экиш учун тахт қилиб қўйишди. (ЎзТАГ).

* * *

БУХОРО. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Ўнинчи беш йиллиннинг дастлабки йилида 510 минг тонна Бухоро пахтасини она-Ватанга армуғон этиш мақсадида меҳнат қилаётган область меҳнаткашлари чигит экишга қизғин тайёрлик кўрмоқдалар. Ҳозирги кунда «Заготхлопкопром» область бирлашмасига қарашли 6-пахта тозалаш заводида бу йилга планлаштирилган 12,3 минг тонна уруғлик чигит муддатидан олдин тайёрланиб, тайёрлов пунктларига жўнатилди. Лекин бу область эҳтиёжини қоплолмайди. Шунинг учун Андижондан қўшимча 11,3 минг тонна уруғлик чигит қабул қилиб олинди.

Бу йил область далаларида чигитнинг «Тошкент-1», «153-Ф», «С-6030» навлари экилади. Шу кунларда экин майдонлари учун тайёрлов пунктларида 19 минг тонна уруғлик чигит химиявий усулда қайта ишланди. Уруғлик чигитни колхозларга реализация қилиш бошлаб юборилди. Вобкент, Бухоро, Свердлов районлари ҳозирга қадар керакли уруғлик чигитнинг 90-95 процентини қабул қилиб олишди.

НОВГОРОД ҚУРИҒИГА ЎЗБЕКИСТОН ТУҲФАСИ

Тошкентлик бинокорлар Новгороддаги «Березеево» совхозининг қора тупроқ бўлмаган ердаги чорвачилик комплексининг навбатдаги объектини барпо этишга киришдилар.

Қурилишда йиғма конструкциялар ва элементлардан кенг фойдаланилади. Ишлаб чиқариш корпуслари ярим рамлардан ва керамзит-бетон панеллардан монтаж қилинади. Замонавий техника билан жиҳозланган сут фабрикаси ёнида витамин уни, бошқа тўқ тутадиган озуқалар ишлаб чиқарадиган цех ўўлади. Комплексни Тошкент «Облколхозстрой»нинг вакиллари барпо этишмоқда.

Новгородликлар янги ерларни комплекс ўзлаштиришда чўлқуварларимизнинг тажрибасидан кенг фойдаланмоқдалар. Ўзбекистон мелиораторлари Шимск ва Солецк районларида икки минг гектардан ортиқроқ ерни ҳозирнинг ўзидаёқ кишлоқ хўжалик оборотига топширдилар. Ботқоғи қуритилган ерларнинг анчагина қисмига кузги галла экилган. Эрта кўкламда лапмикор буғдой экиладиган ер ҳайдалиб, қолган қисмига жавдар экилади.

Ботқоқлик ерларни қуритиш билан бир маҳалда уй-жой қурилмоқда ва саноат базаси барпо этилаётир. «Узновгородводстрой» трестининг механизациялаштирилган кўчма колоннаси ишларни графикдагидан олдинроқ бажармоқдалар. Бу колонналар сув хўжалиги, объектларини, уй-жой ва ишлаб чиқариш биноларини қуришга ихтисослаштирилган «Тошкент-1» механизациялаштирилган колоннасининг коллективи планда кўзда тутилганидан икки баравар ортиқ уй-жой қуриб берди.

Республика Қишлоқ қурилиш министрлигининг 23-тресті Новгород яқинидаги керамзит панеллари заводини реконструкция қилмоқда. Бу завод қайта қурилгач, корхонанинг қуввати уч баравар ортади. Қора тупроқ бўлмаган зонадаги бинокорлар йилига 700 минг куб метр панел олаверадилар.

Ўзбек мелиораторлари тушган биринчи поезд Уторгош станциясига етиб келганидан буён бир йилдан сал кўпроқ ўтди холос. Лекин серқуёш республика намояндалари ҳозирнинг ўзидаёқ анчагина иш қилиб қўйишди. Аммо бу Новгород қўриғига катта ҳужумнинг бошланишигина, холос. Ўзбекистонлик бинокорлар бу йил ишларнинг ҳажмини икки баравар кўпайтиришни мўлжаллаб турибдилар. Новгородда беш йиллик мобайнида ўзбекистонлик қурувчиларнинг ёрдами билан бир неча ўн минг гектар ернинг ботқоғи қуритилади ва суғорилади.

(ЎзТАГ).

СЪЕЗД МАТЕРИАЛЛАРИ—ОММАГА

Шу кеча-кундузда Сирдарё область меҳнаткашлари орасида КПСС XXV съезди материалларини кенг пропаганда қилиш ишлари авж олиб кетди. Сирдарё Давлат педагогика институтининг ўн беш кишилик малакали ўқитувчилари коллективи Сирдарё, Ховос, Боёвут районларидаги колхоз ва совхозларда съезд материалларини қизғин пропаганда қилмоқда. Иқтисод фанлари кандидати Х. Абдуллаев, фалсафа фанлари кандидати К. Абдишукуров, тарих фанлари кандидати А. Набиев сингари область партия комитетининг штатсиз лекторлари колхоз ва совхоз меҳнаткашлари ҳузурида «Партиянинг иқтисодий стратегияси ва ўнинчи беш йилликнинг асосий хусусиятлари», «КПСС XXV съезди СССР халқ хўжалигини ривожлантириш ўнинчи беш йиллик планларининг асосий вазифалари тўғрисида», «КПСС XXV съезди Совет Иттифоқининг социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан ўзаро дўстлиги ва ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланаётганлиги тўғрисида», «Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш умумхалқ вазифаси», «Ўзбекистонда ўнинчи беш йилликда пахтачиликнинг ривожланиши» сингари қизиқарли мавзуларда лекциялар ўқимоқдалар, суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Ҳозир область, шаҳар ва район партия комитетларининг 350 нафар штатсиз лекторлари, 396 нафар сиёсий докладчилари, агитаторлар, сиёсий ахборотчилар ҳамда идеология фронтининг бошқа жонкуярлари КПСС XXV съезди материалларини кенг пропаганда қилмоқдалар. Шаҳар ва район партия комитетларида съезд материалларини пропаганда қилиш юзасидан семинар кенгашлар ўтказилмоқда. Идеология фронти жангчилари зарур материаллар билан қуроллантирилмоқда.

А. УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ДЕЛЕГАТ ҲАМҚИШЛОҚЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

БИРУНИЙ (Қорақалпоғистон АССР). Пахтачилик бригадасининг бошлиғи, КПСС XXV съездининг делегати Ирискул Кутимова съезддан Охунбобоев номли совхозга қайтиб келди. У совхоз клубида ҳамқишлоқлари билан учрашди. И. Қутимова мамлакат коммунистлари анжуманининг иши ҳақида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклади, съезд делегатлари ва меҳмонларида унутилмас таассурот қолдирганлиги тўғрисида гапирди.

Совхоз ишчилари ўз нутқларида партия съезднинг қарорлари бутун совет халқига янги куч бахш этганлиги тўғрисида сўзлаб бердилар. Улар съезднинг қарорларини астойдил қўллаб-қувватладилар ва шу беш йилликнинг мартларари ҳамда мамлакат социал-иқтисодий тараққиётининг съезд ишлаб чиққан истиқболлари коммунистик ғояларнинг тантанаси йўлида янги босқични очиб беради, деб таъкидладилар.

Учрашув қатнашчилари съезд қарорларини конкрет ишларимиз билан амалга оширамиз, деб яқдиллик билан ваъда бердилар. Совхоз коллективи янги оширилган мажбуриятларни қабул қилди. Бу мажбуриятларга мувофиқ, бу йил давлатга белгиланган пландан ташқари камида 900 тонна пахта сотилади.

(ЎзТАГ).

«САЛЮТ-4» ЕТТИ МИНГ МАРТА АЙЛАНИБ УЧДИ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 14 март. (ТАСС). 1974 йилнинг 26 декабрида Ер атрофи орбитасига чиқарилган «Салют-4» станциясининг автомат режимдаги учиш давом этмоқда. Станция Москва вақти билан соат 5 гача Ер теварагида 7 минг марта айланиб учди. Станциянинг орбитасидаги учиши қуйидаги параметрларда ўтмоқда:

— Ер юзасидан максимал олислашиши (апогейида) — 356 километр;

— Ер юзасидан минимал олислашиши (перигейда) — 332 километр;

— Орбитасининг оғиши — 51,6 градус;

— Айланиш даври — 91,2 минут;

Станцияда космонавтлар иккинчи экспедицияси ишлаши чоғида, ундан сўнг учувчисиз «Салют-4» — «Союз-20» комплексининг биргалашиб уч ойлик учиши чоғида ўтказилган тадқиқотлар программаси тамомлангач олис космик учиш шароитларида станциядаги айрим борт системалари, агрегатлари, аппаратлари, конструкция элементларини бундан буёнги синаш девом этмоқда.

Телеметрик информация маълумотларига кўра, «Салют-4» станцияси бортидаги системалар нормал ишлаб турибди. Бўлмалардаги микроиқлим параметрлари белгиланган доирасидан чиққани йўқ. Координациялаш ҳисоблаш маркази олиниб турган ахборотларни ишлаб чиқмоқда.

КАСБИМИЗНИ ШАРАФЛАЙМИЗ

Совхозимиз чорвадорлари КПСС XXV съезди қарорларини зўр мамнунлик билан кутиб олдилар ва унда белгиланган улуғвор вазифаларни шараф билан бажаришга муносиб ҳисса қўшишни ўзларининг муқаддас бурчи деб ҳисобламоқдалар.

Чорвадорларимиз самарадорлик ва сифат масаласини ўз фаолиятларида биринчи ўринга қўймоқдалар. Бу бежиз эмас. Чорвачилик маҳсулотлари — қоракўл тери, жун, гўшт ва бошқа маҳсулотларни нечоғли кўп тайёрласак, юқори сифатли бўлишини таъминласак, бундан давлат ҳам, хўжалигимиз ва чорвадорларимиз ҳам катта иқтисодий фойда кўрадилар, чорвадорлик касбимизни шарафлаган бўламиз.

Тўққизинчи беш йилликда совхозимиз давлатга жуда катта иқтисодий фойда келтирди. Пландан ташқари 16 минг донага яқин юқори сифатли қоракўл тери топширди. Ундан ташқари планга қўшимча 150 тонна бўрдоқи ва сўқим гўшти тайёрлади. Мана шу фактнинг ўзигина совхозимиз чинакам тараққиёт йўлига чиқиб олганини, давлатга соф фойда келтирувчи хўжаликка айланганини кўрсатади.

КПСС XXV съезди қарорларини атрофлича муҳокама қилмоқдамиз, шу асосда ўнинчи беш йилликда, хусусан унинг биринчи боскичи 1976 йилда қиладиган ишларимизни ҳозирдаёқ конкрет тарзда белгилаб олмоқдамиз. Шуни айтиш керакки, тармоклар бўйича топшириқлар белгиланганда кўзда яширинган ётган ички резервлар ва имкониятлар тўлароқ ҳисобга олинмоқда, фан-техника ютуқлари, илғорлар тажрибасини ҳаётга татбиқ этиш биринчи ўринга қўйилмоқда. КПСС XXV съезди қарорларида таъкидланганидек, бугун бир киши ёки бир группа кишилар эришган ютуқларни эртага ҳамманинг мулкига айлантиришни шарафли бурч деб билмоқдамиз.

1976 йилда қўйлар сонини камида 67 минг бошга етказамиз. Шундан 46 минг боши совликлар бўлади. Ана шу белгиланган рақамларни кўлга киритиш ўнинчи беш йилликнинг дастлабки боскичидаёқ, гўшт, қоракўл тери, жун ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш йиллик планларини камида 120-125 процент адо этиш имкониятини беради. Биз чорвадорларимиз билан маслаҳатлашиб ўнинчи беш йилликнинг ҳар йилида планда кўзда тутилганидан 20-25 процент кўп маҳсулот тайёрлашга аҳд қилдик. Шунда об-ҳаво қандай келишидан қатъий назар чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш беш йиллик планини тармоқлар бўйича тўрт—тўрт ярим йилда тўла ва ошириб бажаришга эришамиз.

Совхозимиз чўпон-чўликлари фидокорлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Қўйлар қишловдан яхши семизликда олиб чиқилмоқда, чиқимга йўл қўйилмади. Айникса, бўғоз совликлар парваришига алоҳида эътибор берилди. Шундай қилиб, бу йил совхозимиз бўйича ҳар юз бош совликдан 130 тадан соғлом қўзилар олишга имконият яратилди.

Бу йил давлатга 33500 дона қоракўл тери етказиб берамиз. Бунга совликлардан кўпроқ эгиз қўзилар олиш йўли билан эришамиз. Ҳар йили пландан ташқари янгачага қоракўл тери тайёрлар эдик. Бу йил давлат планини ва социалистик мажбуриятимизни сўзсиз бажарамиз. Ундан ташқари ўстиришга пландан ортиқ кўплаб соғлом кўзилар қолдирамиз. Бу эса келгусида туёқ сонини ошириш гўшт, қоракўл тери ва жун етиштиришни кўпайтиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Кенг яйловларга эгамиз, янги яйловлар ўзлаштиришни қизғин давом эттирмоқдамиз. Ундан ташқари яйловларнинг унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Яйловлар чорвачилик хазинасидир. Бу йил ўстиришга қолдириладиган салкам 20 минг бош қўзини ўтлоқ яйловларда боқиб семиртирамиз.

Ўстиришга қўзи қолдириш тартибини ҳам аниқ белгилаб олдик. Ўтган йилларда ургочи қўзиларнинг бир қисми тери учун сўйилди. Бунга яйловларда ўт етишмаслиги сабаб қилиб кўрсатилди. Бу йил ана шундай кўнгилсиз ҳолларга йўл қўймаймиз. Ҳар бир совлиқ ҳисобига камида бир бошдан қўзини ўстиришга қолдирамиз, энг серўт, сувга яқин яйловларни қўзиларга совликлар ва қўзиларга ажратамиз. Яйловлардан навбатлаб фойдаланиш режаларини тузиб чиқдик.

Совхозимиз қоракўл тери, жундан ташқари кўплаб гўшт ҳам етиштиради. Ўнинчи беш йилликнинг биринчи боскичи 1976 йилда чорвадорларимиз давлат тайёрлов ташкилотларига 429 тонна гўшт, 188 тонна жун етказиб беришлари керак. Съезд қарорларини муҳокама қилиш жараёнида ўтган йилларнинг бой тажрибасини оммалаштириш, йўл қўйилган камчиликларни такрорламаслик тадбирларини белгиладик. Халқимизда «бир терига икки қўй сигади» деган мақол бор. Шундай экан, ҳар бош қўйнинг тирик вазнини камида 50 килограммга етказиб гўштга топшириш муҳим бурчимиздир. Чўпон-чўликларимиз ўз зиммаларига бу борада ҳам конкрет мажбуриятлар олдилар.

Биз съезд қарорлари асосида чорва молларини ўстириш ва маҳсулдорлигини оширишга бундан кейин ҳам катта эътибор бераверамиз. Ундан ташқари ем-хашак базасини яратиш ва мустаҳкамлаш чораларини кўраверамиз, Бунинг учун ем-хашак бўладиган экинлар ҳосилдорлигини ошириш, бедапояларни кенгайтириш, оралиқ, аралаш ва такрор экинлар экиш учун суғориладиган ерлардан янада самарали фойдаланиш чораларини кўраверамиз. Партия съездида таъкидланганидек, молларнинг зотини яхшилаш, ургочи моллар туғёнини кўпайтиришни авж олдираверамиз. Чорва моллар маҳсулдорлигини ошириш ва уларнинг юқори семизликда бўлишини таъминлаш чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим резервидир.

1976 йилдаёқ 1200 гектар майдонга изень, 500 гектар майдонга саксовул уруғи экдик. Шундай қилиб, съезд йилида изень майдонини 4500 гектарга, саксовулзорларни 3500 гектарга етказдик. Бу лоқ сувларидан окилона фойдаланиб, 300 гектар майдонда янги бедазор ташкил қилдик.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсун Буматов раҳбарлик қилаётган бўлим чорвадорлари ҳар йили эгиз қўзилар сонини кўпайтирмоқда. Улар бу йил ҳар 100 бош совликдан 140 тадан қўзи олади. Шуниси диққатга сазоворки, кўплаб эгиз қўзи олиниши туфайли чорвадорларимизнинг шахсий манфаатдорлиги ортиб бормоқда. Масеран, фақат шу бўлим чорвадорларигина ўтган йили 63 минг сўм қўшимча даромад олдилар. 480 бош қўзи чўпон-чўликларга мукофот тарикасида бўлиб берилди. Ҳар бир чўпоннинг ойлиги ўртача 249 сўмни ташкил этди.

Рамазон Усмонов, Тўхтамурод Ҳусанов, Зикр Турсунов каби бош чўпонларимиз ҳам фидокорона меҳнат қилиб, совликлардан эгиз қўзилар олишни кўпайтиришда яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Уларнинг бой тажрибасига таяниб шуни айта оламизки, совхозимиз чорвадорлари КПСС XXV съезди қарорларини изчиллик билан амалга ошириб, 1976 йил планлари ва мажбуриятларини шараф билан бажарадилар, камида 200 минг сўм соф фойда келтирадилар, келаси йил қишлов учун 6100 тонна озуқа тайёрлашни таъминлайдилар. Бу вазифаларни ҳал қилишда съезд қарорлари, бизга жанговар программа бўлади.

Исмат ШОДМОНОВ.
Советобод районидаги «Ленинчи чорвадор» совхозининг директори.

Тошкентдаги офсет фабрикаси муқовалаш цехининг илғор ишчиси Малоҳат Тошмуродова КПСС XXV съезди қарорларига амалий жавоб бериш учун ўз зиммасига оширилган социалистик мажбурият олиб меҳнат қилаётир. У иш вақтидан унумли фойдаланиш ҳисобига ҳар сменада 10—15 мингта китобни муқоваламоқда.
А. Тўраев фотоси.

ЁЗУВЧИЛАРНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ

БАГДОД. 15 март. (ТАСС). Осиё ва Африка ёзувчилари уюшмасининг ижроия комитети Ироқ пойтахтида ишга киришди.

Турли мамлакатлар ёзувчилар ташкилотларининг Багдодга келган делегациялари, шу жумладан Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси К. Яшин бошчилигидаги совет делегацияси икки қитъа ёзувчиларининг тинчлик, социал тараққиёт, демократия ва социализм учун кураш умумий ишига қўшадиган ҳиссаларини кенгайтириш тадбирларини белгилаб оладилар.

Араб халқлари курашини, шу жумладан Фаластин араб халқининг курашини қўллаб-қувватлаш. Фаластин халқининг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари қондирилиши ҳамда Исроил босқинчилари ишғол этган территориялар тўла озод этилиши учун уюшма куч-қувватларини жипслаштириш масаласи тўғрисида жиддий гаплар бўлади.

Делегатлар шунингдек янги ҳаёт қуришга киришган Хинди — Хитой халқларини қўллаб-қувватлаш ишида ёзувчиларнинг роли, МПЛА раҳбарлигидаги Ангола ватанпарварлари кураши билан бирдамликни кенгайтириш, реакция ва чет эл агрессиясига қарши, миллий мустакиллик учун кураш билан бирдамликни кенгайтириш масаласини муҳокама қиладилар.

Ироқ информация министри Т. Азиз сессия очилишида нутқ сўзлади.

Осиё ва Африка ёзувчилари уюшмасининг бош секретари Ю. Ас-Сибоий ўз нутқида Багдод сессиясининг якунлари ёзувчилар ҳаракатини мустаҳкамлаш йўлида муҳим босқич бўлиб, Африка ва Осиё миллий-озодлик ҳаракатларини янада жипслаштиришга, тинчлик ва инсонпарварлик идеалларининг галабаси учун курашаётган кучлар мустаҳкамланишига хизмат қилади, деб ишонч билдирди.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

ҚАРДОШ ПАРТИЯЛАР МАЪҚУЛЛАМОҚДАЛАР

ТАЖРИБА ВА ИЛҲОМ МАНБАИ

ПРАГА, 15 март. (ТАСС). Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Г. Гусак Прага шаҳар партия конференцияси делегатлари ҳузурида нутқ сўзлаб, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съезди бутун жаҳондаги муҳим воқеа бўлганлигига батафсил тўхталиб ўтди. Совет кишисининг, совет коммунистларининг ўз партияси учун, ўз халқи, ўз давлати учун фахрланиш туйғуси шу съезднинг характерли белгисидир, деди у.

Съездда КПССнинг буюк кучи ва тажрибаси, бирлиги ва етуклиги, кўп миллатли Совет давлати халқлари билан чамбарчас алоқаси ёрқин намоён бўлди. Чехословакия Компартияси ана шу тажриба ва илҳом манбаига ҳамиша таянади.

Биз КПСС XXV съездида янада ривожлантирилган Тинчлик программасини актив қўллаб-қувватлаймиз, деди ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари. Биз Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликни янада чуқурлаштиришнинг синалган йўлидан олға боравeрамиз. Бу йўл тинчлик, демократия ва социализм ишига хизмат қиладиган ташқи сиёсатимизнинг негизидир.

ТАРИХИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК ВОҚЕА

БУДАПЕШТ, 15 март. (ТАСС). Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ВСИП Марказий Комитети биринчи секретари Я. Кадарнинг аҳборотини тинглаб, КПСС XXV съезди ишида қатнашган ВСИП делегациясининг ҳисоботини тасдиқлаб, унинг фаолиятини мақуллади. ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг баёнотида бундай дейилади:

Венгрия Социалистик ишчи партияси КПССнинг XXV съездини тарихий аҳамиятга молик воқеа деб ҳисоблайди. Пролетар интернационализми руҳида ўтган съезд Совет Иттифоқининг ривожланишини марксча-ленинча таҳлил қилиб берди, коммунизм қурилишида совет коммунистлари олдида, бутун совет халқи олдида турган улуғвор вазифаларни белгилади, халқаро вазиятни илмий асосда анализ қилди ва истиқбол программасини ишлаб чиқди. КПСС XXV съезди коммунизм қурилишининг амалий тажрибасини умумлаштириб, давримизнинг илғор назарияси — марксизм-ленинизмни ижодий ривожлантирди ва шу билан халқаро коммунистик ҳаракатни ғоявий жиҳатдан янада қуроллантиради.

Венгрия Социалистик ишчи партияси, совет халқи Коммунистик партиянинг, унинг ленинчи Марказий Комитетининг, халқаро ишчилар ҳаракатининг синалган курашчиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг раҳбарлигида XXIV съезд эълон қилган йўлни ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширганлигига юксак баҳо беради. XXV съезд ишлаб чиққан программа бу — коммунистик қурилишни давом эттиришнинг реал, асосланган илҳомбахш программасидир.

ВСИП, социализм қураётган венгер халқи КПСС XXV съезднинг тарихий қарорларини қизғин табриклайди. Совет Иттифоқининг тинчлик снёсатини тўла қўллаб-қувватлайди ва совет халқига тинчлик учун курашда, коммунистик жамият қуришда муваффақият тилайди.

ЖАҲОН ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

Чет эл матбуотида ҳамон босилаётган кўпгина мақола ва шарҳларда КПСС XXV съезднинг якунлари таҳлил қилинмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг докладида баён этилган вазифаларнинг кенг кўлами ва муҳимлиги, совет коммунистларининг пролетар интернационализми принципларига, тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги учун курашга содиқ эканликлари таъкидланмоқда. «КПСС XXV съезднинг жозиба кучини, унинг жаҳоншумул аҳамиятини, унинг бутун дунёдаги зўр таъсир кучини белгилаб бераётган энг асосий хислатлар революцион жўшқинликдан, келажакка бўлган қатъий ишончдан, коммунизм бинокорларининг қойилмақом одимидан, улар инсониятнинг мустахкам тинчлик ва социал тараққиёт йўлидаги курашида авангард эканликларини англашларидан иборатдир», — деб ёзади Берлиндаги «Дер морген» газетаси.

«Жиче Варшави» газетаси «Тинчлик программасининг ижодий ривожи» сарлавҳали мақоласида Л. И. Брежневнинг КПССнинг XXV съездидаги докладида халқаро кескинликни юмшатиш тўғрисида баён этилган янги муҳим таклифларни шарҳлаб берган. XXV съезд Тинчлик программасини асримизнинг 70-йиллари иккинчи ярмига татбиқан ижодий ривожлантирди. Съезд эришилган муваффақиятлардан мантиқий равишда келиб чиқадиган ва шу муваффақиятларнинг давоми бўлган янги вазифаларни ўртага қўйди. КПСС XXV съезднинг қарорлари СССРнинг келажагигагина эмас, шу билан бирга бутун дунёнинг келажагига ҳам жуда катта таъсир ўтказади, деб таъкидлайди газета.

КПСС XXV съезди совет жамиятини социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг улуғвор программасини ишлаб чиқди, Советлар мамлакатининг коммунизм сари қилаётган ғолибона ҳаракатида янги босқич очди, деб ёзади Монголиядаги «Ўнэн» газетаси. Ленин партиясининг иқтисодий сиёсати совет халқининг моддий ва маданий даражасини янада оширишга, кенг меҳнаткашлар оммасининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг съездда КПСС Марказий Комитети номидан қилган Ҳисобот доклади революцион назария билан практиканинг бирлигидан иборатдир. Бу бирлик Улуғ Ленин партиясига ҳамиша хос хусусият бўлиб келди, деб уқтиради Болгарияда чиқадиган «Работническо дело» газетаси. Болгария Компартияси ҳамиша совет коммунистларидан ўрганади, ҳамиша улардан ибрат олади. Буни биз коммунистик келажагимизнинг гарови деб биламиз.

ГДРдаги марказий газеталар республика меҳнаткашларининг ГБСП IX съездини муносиб кутиб олиш учун бошлаб юборган социалистик мусобақаси тўғрисида жуда кўп материалларни босиб чиқармоқда.

«Нью-Йорк таймс» газетаси АҚШдаги сайлов олди кампаниясида Совет — Америка муносабатлари тўғрисидаги масала муҳим роль ўйнаётганлигини таъкидлаб ёзмоқда. Кескинликни юмшатиш сиёсатига ҳужумни кучайтирган Рейган билан Уоллес «дастлабки сайлов»да кўпгина сайловчиларнинг қўллаб-қувватлашидан маҳрум бўлдилар, деб уқтиради газета.

(ТАСС).

КЎП КИТОБ ЎҚИШМАСИН, ЭМИШ

Ҳафталик сиёсий журнал «Новое время»нинг навбатдаги 11 сонида Хитойдаги олий мактабнинг танг аҳволга тушиб қолганлиги тўғрисида мақола босилди. Мақолада жумладан бундай дейилган: Шчедрин асаридаги шаҳар ҳокими Перехват-Залихватский ўз ҳукмронлиги остидаги шаҳарга ок от миниб кирган ҳамоно, гимназияга ўт қўйган ва илм-фанни бардоқ қилган эди. Ҳозирги Хитойда ўтган асрдаги рус сатиригини камдан-кам киши билади. Аммо Хитойда худди унинг асарида тасвирланганидек воқеалар содир бўлаётир. Хунвэйбинлар 1966 йил ёзида «китобларни гулхан қилиб ёкқан» бўлишига қарамай, маочилар халқ маорифи масаласини бирон бир тарзда тузукроқ ҳал қилишга муваффақ бўла олмадилар. Аммо пекинлик «маданиятпарварлар» «илм-фанни тугатиш» борасидаги баъзи бир «мемаол фаҳрланишлар» бўлади.

Маълумки, маочилар 1966—1969 йилларда ўтказган ва риёкорона «маданий революция» деб атаган контрреволюцион тўнтариш натижасида олий ўқув юртларидаги ва умумий таълим мактабларидаги машғулотлар тўхтаб қолган эди. Студентлар ва мактаб ўқитувчилари Мао Цзэ-дуннинг душманларига қарши курашга юборилди. «Маданий революция» натижасида мамлакатда юз мингларга инженерлар, техниклар, ўқитувчилар, врачлар ва бошқа мутахассислар кам тайёрланди.

Хитой олий мактабларида машғулот 70-йилларнинг бошларидагина бошланди. Аммо Хитойда «маданий революция»ягача мавжуд бўлган олий таълим системаси мутлақо қайта тиклангани йўқ. Бу системага Мао Цзэ-дун «ғоялари» асосида Пекин пропагандаси баландпарвозлик билан «маориф соҳасидаги революция» деб атаган туб ўзгартишлар киритилди.

Мао Цзэ-дуннинг илм-фан аҳлларига, ўқимишли кишиларга нақадар нафрат билан қараши яхши маълум. У неча марталаб: «ҳаддан ташқари кўп китоб ўқиш ярамайди», «кўп ўқиган ўзига зарар» деб насиҳат қилган эди. Мао Цзэ-дун «Маркс китобларини ўқиш керагу, аммо жуда кўп ўқиш керак эмас» деган гапни эринмай такроллай беради, чунки Хитойда марксизм-ленинизм идеологиясининг таркалишидан ва ўзининг социал-шовинистик ғояларига ишончсизлик чукур илдиз отиб кетиши мумкинлигидан қўрқади.

Маочилар «дарға»нинг йўл-йўриқларига мувофиқ олий мактабларидаги таълим муддатини аввалги 4—5 йилдан 2—3 йилга камайтирдилар, ўқув программаларини кискартириб ташладилар. Маориф соҳасидаги бу «революция»га Мао Цзэ-дучнинг: «биринчи навбатда қискартириш, кириш, соддалаштириш; жамики хато ва мураккаб нарсаларнинг учдан бирини ёки ҳатто ярмисини чиқариб ташлаш лозим» деган тавсияси асос қилиб олинди. Студентларнинг маочилар режимига ҳайриҳоҳлик даражаси уларнинг билимига баҳо беришда асосий мезон бўлиб колди, имтиҳонлар ҳам бекор қилинди деса бўлади.

Олий таълимнинг янги системаси жорий этилгандан бўён Хитойнинг баъзи олий ўқув юртлари икки марта мутахассис чиқарди. Табиийки, «маориф соҳасидаги революция» қандай натижа бергانлиги тўғрисида хулоса чиқариш вақти келди. Хитойлик таниқли мутахассисларнинг Мао Цзэ-дун ва унинг атрофидагилар учун тасалли берарли даражада эмаслиги маълум бўлди. Чунки бу якунлар маочиларнинг олий таълим системаси мутлақо пуч бўлиб чиққанлигидан, бу система халқ хўжалигини малакали кадрлар билан таъминлашга қодир эмаслигидан далолат бериб турибди. Чунончи, чет эл матбуотининг хабарларига караганда «Цинхуа» институтининг раҳбарларидан бири Мао Цзэ-дун номига ёзган хатида олий ўқув юртларидаги ҳозирги таълим системаси сакланиб колган такдирда «студентлар хатто ўқишни ҳам ўрганмай университетларни битириб чиқаверадилар» деб таъкидлади. Маориф министри Чжоу Жун-Синнинг фикрича, ҳозир университетлардаги студентлар олаётган билимнинг савияси илгари, яъни («Маданий революция»га қадар) ўрта мактаблар берган билим савиясидан ҳам пастроқ.

Хитойдаги бошқа таниқли мутахассислар ҳам ҳозирги олий таълим системасини қаттиқ танқид қилмоқдалар.

Хитой матбуотининг материалларига караганда, маочиларнинг олий таълим соҳасидаги экспериментлари қаттиқ танқид қилинаётганлиги пекинлик пропагандистларни саросимага солиб қўйди. «Жэньминь жибао» газетасининг аюҳаннос солиб ёзишига караганда зиёлилар орасида «маданий революция керак эмас» деган «ғалати ва даҳшатли мулоҳазалар» пайдо бўлиб қолмоқда. Хитойда шундай кишилар борки, деб қайд қилади «Жэньминь жибао» газетаси, раис Мао Цзэ-дуннинг маориф соҳасидаги революция ғояларини уларга мутлақо уктириб бўлмаётир...»

Ҳозир Хитойда шундай катта айблар тўнкаш билан «бир ҳовуч синфий душманларга кескин зарба» беришга даъват қилувчи тагли чақириклар ҳам эшитилмоқда. Айрим жойларда сўздан амалий ишга ўтилди. Чунончи, шу йил февралда «Жэньминь жибао» газетаси эълон қилган хабарда айтилишича, Пекин университетининг тарих факультетида ўнг оғмачиларга қарши кураш ҳаракатига нифоқ солган «ўнг унсурлар»нинг тарафдорлари аниқланган...» Лекин уларнинг тақдири нима бўлганлиги ҳақида сукут қилинади.

(ТАСС, 13 март).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ БЕРЛИН. Лейпцигда анъанавий баҳорги халқаро ярмарка очилди. Унда 63 мамлакатнинг 900 мингдан ортиқ экспонати қатнашмоқда. Аввалги йиллардагидек Совет Иттифоқи ярмарканинг энг йирик қатнашчиларидан бири бўлди. Унинг экспозицияларида 8 минг экспонат бўлиб, уларнинг 80 проценти биринчи марта намойиш қилинмоқда.

◆ ПАРИЖ. Страсбургда Германия Федератив Республикасида сиёсий мулоҳазалар билан бир қатор лавозимларни эгаллашни чекловчи граждан ҳуқуқларини камситиш кампанияси олиб борилаётганлигига қарши норозилик юзасидан оммавий митинг бўлиб ўтди. Бу митинг Франция, Бельгия, Голландия, Италия, Люксембург ва ГФРдаги антифашистик ташкилотларнинг ташаббуси билан уюштирилган эди. Турли мамлакатлардаги нацистлар лагерларининг собиқ маҳбуслари ва Қаршилик кўрсатиш ҳаракати қатнашчилари делегацияси Страсбургдаги «Умумий бозор» органларидан бири бўлган Европа парламентига ташриф буюрди ва ГФРда сиёсий мулоҳазаларга асосан гражданларни таъқиб қилиш дарҳол тўхтатилсин, деб талаб қилинган резолюцияни топширди.

◆ НЬЮ-ЙОРК. Жеральд Форд сайлов олди кампанияси давомида Гринсборо (Шимолий Каролина штати)да матбуот конференцияси ўтказди. Конференцияда у агар мени яна президент қилиб сайлагудек бўлсалар, мен Г. Киссинжерни АҚШ давлат секретари лавозимида қолдираман, деди.

Ж. Форд қўшимча қилиб яна бундай деди: президентликка даъво қилаётганлар томонидан бўлаётган сиёсий хуружларга Киссинжернинг зарба беришга ҳаққи бор. Маҳаллий обзорчиларнинг фикрича, президентнинг бу гапи асосан республикачилардан Рейган ва демократик партия аъзоси Жексонга қаратилгандир. Булар давлатда юқори лавозимга даъво қилиб, АҚШ ҳукуматининг ташқи сиёсий йўлини ва айниқса унинг Совет Иттифоқи билан муносабатини қаттиқ танқид қилмоқдалар.

◆ БАЙРУТ. Ливан парламентининг шошилинч мажлисида С. Франжьеннинг президентлик лавозимидан кетишини талаб қилувчи петиция маъқулланган. Петицияга 99 депутатдан 68 таси имзо чеккан. Парламент раиси К. ал-Асад бошчилигидаги делегация президент ҳузурида бўлиб унга мазкур петицияни топширди. Бироқ С. Франжье яна истеъфо бериш ҳақидаги таклифни рад этди.

Шу кунларда Ливан пойтахтининг марказий қисмида С. Франжье тарафдорлари билан мамлакатнинг муваққат губернатори А. Ахдабни қўллаб-қувватлаётган кисмлар ўртасида қуролли тўқнашувлар бўлиб турибди. Шаҳар кўчаларида баррикадалар қурилмоқда. Қарийб ҳамма муассаса ва корхоналар ёпиб қўйилди.

(ТАСС).

Редакция почтасидан

Совет кишилари ўзларининг кўп хатларида коммунистик қурилиш планлари оғишмай амалга оширилаётганлиги учун, халқнинг турмуш даражасини юксалтириш соҳасидаги амалий тадбирлар учун самимий ташаккур изҳор қилмоқдалар, партиянинг ленинча ташқи сиёсатини, унинг мустаҳкам тинчлик ва халқлар ўртасидаги дўстлик учун изчиллик билан олиб бораётган курашини астойдил маъқулламоқдалар... ҚПСС Марказий Комитети буни меҳнаткашларнинг ўз Коммунистик партиясига ишончи ортиб бораётганлигини кўрсатувчи далил деб, партиянинг раҳбарлик роли қонуний равишда ўсиб бораётганлигининг натижаси ва социалистик демократияни изчил ривожлантириш натижаси деб баҳолайди.

(КПСС XXV съезди ҳужжатларидан).

КАТТА РЕЗЕРВ

КПСС XXV съезднинг қарорлари биз пенсионерларни ҳам ғоят хурсанд қилмоқда. Съезд ҳужжатларида: «...колхоз ва совхозларнинг ички резервларидан яхшироқ фойдаланиш лозим. Бундай ички резервлар эса бор» дейилади. Бу реал ва айни муддао гаплардир

Мамлакатимизда турли дарахт, ўсимликларнинг пўстлоғидан ҳар хил материаллар тайёрланади. Каноп, зиғир пояси ва бошқа ўсимликларнинг пўстлоғидан тола олинади. Ипак толаси эса қимматбаҳо бўлиб, экспорт товарлар ичида муҳим ўрин тутади. Маълумки, ипак қуртининг асосий озуқаси тут барги ҳисобланади. Масалан, бир қути ипак қуртини боқиш учун 1500-2000 килограмм барг сарфланади. Ўртача 2 тонна барг тайёрлаш учун 50-60 туп тут кесилиши керак. Лекин бундан 200-250 боғ новда ўтинга чикериб юборилади. Ваҳолонки, ҳар бир боғ новдадан бир килограммдан пўстлоқ олиш мумкин. Бу пўстлоқ узун, пишиқ, майин тола беради. Қуриган пўстлоқ сувда ивитилса юмшаб, ўз ҳолатига қайтади, демак ундан сунъий ипак ҳолатида фойдаланиш мумкин, деб ўйлайман.

Республикамизда жуда кўп миқдорда ипак қурти боқилишини назарда тутсак, етиштирилаётган жами ипакдан 2-3 баробар кўпроқ сунъий ипак толаси олиш мумкин бўларди.

М. ЖУМАТОЕВ,
Наманган область Косонсой районидаги «Қўқимбой» совхози, пенсионер.

Республикамизнинг жанубидаги яйловлар кўм-кўк майсалар билан қопланяпти. Чўпонлар қўй-қўзиларни кенг яйловларга олиб чиқмоқдалар.

Сурхондарё область, Шўрчи районидаги «Шарқ юлдузи» колхозининг чорвадорлари КПСС XXV съезди қарорларига жавобан зиммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилдилар. Коммунист чўпон З. Оллоёров ўз отаридаги совлиқларнинг ҳар юз бошидан 260 тадан соғлом қўзи олишга сўз берди. Бу ўтган йилги кўрсаткичдан анча ортиқдир.

Суратларда: «Ҳурмат Белгиси» ордени кавалери бош чўпон З. Оллоёров (чапда), яйловларда қўй-қўзилар ўтламоқда.

Ҳ. Маматқулов фотолари.

МАЪМУРЧИЛИК

Шу кунларда ҳаммамиз КПСС XXV съезди қарорлари руҳи билан яшаб, меҳнат қилмоқдамиз. Бу қарорлар ҳар биримиз учун ўнинчи беш йилликнинг жанговар программасидир. Ўтган беш йилликда партиямиз рахбарлигида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришда катта ғалабаларга эришган эдик. Бу беш йилликда зафарларимиз янада улкан бўлади. Партиямизнинг XXV съезди ана шундай программа қабул қилди.

Бизнинг совхозимиз сўнгги беш йилликнинг тўнғич хўжаликларидан бири. Дастлабки йилларда ҳаммаси бўлиб 1400 гектар ерда шоли ўстириб, гектаридан атиги 21 центнердан хирмоч кўтарган эдик. Уша кезларда меҳнат анча оғир эди. Шоликорлар нокулай уй-жойларда яшар эди. Лекин ҳеч ким ҳаётидан нолимади. Аксинча, бўтқоқзорлар ўрнида йирик шоличилик плантацияси бунёдга келтириш учун курашди. Ҳалол меҳнат билан орзу рўёбга чиқди.

Ўтган беш йилликда совхозимиз пландаги 34 минг тонна ўрнига салкам 44 минг тонна шоли етиштирди. Тайёрланган шолининг ҳаммаси юқори сортга қабул килинди. Шоликорларимиз ўз фаолиятларидаё оғир меҳнатни машиналар гарданига ортиш учун курашди. Натижада ишимиз енгиллашди, фурсатдан ютдик. Энг муҳими — етиштирилган ҳосилни тез йиғиштириб олиб, нобудгарчиликка йўл қўймадик.

Хўжалигимизда эндиликда шоли етиштиришнинг сирини яхши билган кадрлар камол топди. Қурол Абдусатторов бошчилик қилаётган бўлим, Назира Собирова, Аскар Йўлдошев, Жуман Дўстчонов, Қозоқ Раҳимов, Жумабой Еқубовлар бошлиқ бригадалар ва звеноларнинг шоликорлари ҳосилдорликни 65 центнерга етказдилар.

Шоликорликда механизация ва кимё мўъжизасидан оқилона фойдаланиш туфайли ҳар бир ишловчи ҳисобига шоли етиштириш ҳам тобора кўпаймоқда. Масалан, 1970 йилда ҳар бир ишловчи ҳисобига 10,9 тонна шоли тайёрланган бўлса, 1975 йилда бу рақам 20,2 тоннани ташкил этди.

Давлатимиз совхозимизни бунёдга келтиришга катта маблағ сарфлади. Эндиликда биз шоли етиштиришни кўпайтириш билан сарфланган ҳаражатни оқлаяпмиз. Кейинги йилларда ҳар гектар ердан олинаётган даромад салкам 2 минг сўмни ташкил этмоқда. Умуман эса тўқкизинчи беш йилликнинг якунловчи босқичида салкам 3,5 миллион сўм даромад олдик. Бу кўзда тутилганидан анча кўпдир. Шоликорларимизнинг турмуши яхшиланмоқда. Улар замонавий уй-жойларда яшамоқдалар.

«1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишларида **Амударёнинг қуйи оқимида шоликорликни тезкорлик билан ривожлантириш масаласи қўйилди. Бу Хоразм области шоликорлари учун ҳам катта вазифадир.** Чунки, ерларимиз Амударё қирғоқларида жойлашган бўлиб, унинг суви билан шоли ўстирамиз.

Съезд қарорлари ва асосий йўналишларни муҳокама қилиб, совхозимизда шоликорликни янада ривожлантириш тадбирларини белгиладик. Ўтган йили совхозимиз бўйича ҳар гектар ердан 57 центнердан ҳосил олинган эди. **Бу йил ҳосилдорликни камида 65 центнерга етказамиз. Ҳар центнер шолининг таннархини 30 процентга камайтирамиз. Ўрим-йиғим ишларини тўла машиналаштирамиз.** Шу мақсадда механизаторларнинг янги отрядини тарбиялаб камолотга етказмоқдамиз.

Шоликорликда сув ҳал қилувчи роль ўйнайди. Янги навсослар қуриш йўли билан сув танқислигини енгамиз. Шолининг тезпишар, серҳосил, касалликларга чидамли уруғини экамиз. Ҳозир кўкламга тайёргарлик ишларини тўла тугалладик. Энг муҳими шоликорларнинг шўрини ювиб бўлдик, кўплаб органик ўғитлар солдик.

Бу йил шоли экишни ўтган йилдагига нисбатан 15 кун олдин бошлаш ниятидамиз. Шу мақсадда механизаторларимиз ўзлари бошқарадиган агрегатларни шайлаб қўйдилар. Шоликорларимиз бу йил она-Ватанга ўтган йилдагига нисбатан камида 5 минг тонна кўп шоли етказиб берадилар.

Шоликорларимизнинг турмушини яхшилаш чораларини кўрмоқдамиз. Ўтган йилларда ишлаб чиқариш ва жамоат бинолари, уй-жойлар қурилишига 17 миллион сўм маблағ сарфланган эди. Шу йилнинг ўзидагина янада кўпроқ маблағ сарфлаш кўзда тутилмоқда. 505 та уй-жой биноси қурамиз. Замонавий сут-товар фермаси ишга туширилади. Ҳалқимиз водопровод сувидан баҳраманд бўлади. Лекин қийинчиликларни меҳнатимиз ва техника қудрати билан енгамиз. Амударёнинг қирғоқларида улкан шоликорлик зонаси бунёдга келтириб, халқимизга ҳар қачонгидан кўп ва юқори сифатли шоли етказиб берамиз.

Қ. УРОЗМЕТОВ,
Гурлан районидаги «Янгиобод» шоликорлик совхозининг директори.

«КИЧИК АВИАЦИЯ»НИНГ КАТТА ИШЛАРИ

Республикамиз авиаторлари КПСС XXV съезди тарихий қарорларидан илҳомланиб, шу кунларда қишлоқ хўжалигини юксалтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш ташаббускорлари бўлиб майдонга чиқмоқдалар. Бутун диққат-эътиборларини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлашга, экинларни касалликлардан ва зараркунандалардан муҳофаза қилишга қаратмоқдалар. Улар ўнинчи беш йиллик асосий йўналишларида: «...**қишлоқ хўжалиги авиациясининг янги самолётларини ишлатиш бошлансин...**» деб алоҳида таъкидланган илҳомбахш сатрларнинг тўла ижроси юзасидан тегишли тадбирлар ишлаб чиқяптилар. Қишлоқ хўжалигида энг яхши самолёт — «АН-2»нинг жаҳон бўйлаб «қанотли дастёр» деб тан олинишн бежиз эмас.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига авиаторлар дастлаб ўттизинчи йилларда ёрдамга келди. 1946 йилдан бошлаб пахта, беда, дон экинлари ва боғларнинг хавфли душманлари — ҳар хил ҳашаротларга қарши авиация ёрдамида химиявий дорилаш кенг қўллана бошланди. Каттакатта қумликларда саксовул ва янтоқ сингари экинлар ҳам авиация ёрдамида экиладиган бўлди. Пахтачиликда дефолиация ишлари асосан 1949 йилдан бошланди. Шундан буён бирор йил йўқки, деҳқонларимиз авиаторлар ёрдамига суянмаган бўлса. Уларнинг бутун йил бўйи ҳамкорликда ишлаши — эндиликда одат тусига кириб қолди.

Сергели авиация бўлинмаси дастлабки кезларда йилига 30-40 минг гектар қишлоқ хўжалик экин майдонларига ишлов берарди. Эндиликда бу миқдор бир неча юз минг гектарлаб майдонларни ташкил этади. «АН-2» дан ташқари «МИ-4», «МИ-8» сингари вертолётлар тўқиз-ўн минг соатлаб ишлаб чиқариш парвозида бўлишяпти. Улар ҳар йили Тошкент, Сирдарё, Жиззах областлари деҳқонларига беминнат хизмат кўрсатишяпти.

Корхона учувчилари ишлаб чиқаришнинг барча асосий ва молиявий кўрсаткичлари бўйича ўтган беш йиллик топшириқларини якунловчи йилнинг август ойидаёқ — ҳаво флоти куни байрами арафасида муваффақиятли адо этишди. Улуғ Октябрнинг 58 йиллиги тантаналаридан ярим ой илгари якунловчи йил муқобил планлари ҳам шараф билан бажарилди. Эришилган ютуқда М. Мирҳайдаров, В Тоҳиқ ўртоқлар командирлик қилган экипаж аъзоларининг улуши катта бўлди. Нукус, Урганч, Қўқон, Термиз сингари кўплаб авиакорхоналарнинг коллективлари дуруст кўрсаткичларга эришдилар. Шунингдек, Қарши ва Жиззахда ташкил этилган янги авиация химияси коллективлари ҳам яхши натижаларни қўлга киритдилар. Сўнгги пайтларда республикамизда ҳар йили 5 миллион гектарга яқин экин майдонларига авиация хизмати кўрсатилянти. Тўқкизинчи беш йилликда 27 миллион гектар ер «ҳаво ишлови» олди.

Ўзбекистон авиаторлари бу ишларни бажаришда Қозоғистон, Украина, Шимолий Кавказ, Поволжье ва РСФСРнинг марказий районларидан ёрдамга келган кўплаб авиаторлар билан ҳамкорликда иш тутди. Беш йилликда 2.280 минг гектар пахта майдонларини дефолиация қилишда қўлни-қўлга бериб меҳнат қилдилар.

Бугунги кунларда Тошкент Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё ва бошқа областларга 1976 йил мўл ҳосили заминни яратиш — минерал ўғитлар ташиш суръатини тобора тезлаштирмоқдалар. Илгаримлари аҳён-аҳёнда содир бўлиб турадиган химиявий дориларнинг вақтида етказиб берилмаслиги, қўниш жойларида оператив нуқталарнинг бўлмаслиги, самолёт учун эҳтиёт қисмлар ва керакли суюқликларнинг баъзида етишмаслиги сингари қатор сабаблар билан учиш муддатини кечиктириш ҳолларига бутунлай барҳам бериш чоралари кўрилмоқда. Қўқон авиакорхонасининг моҳир учувчилари — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони З. Расулов, «Ҳурмат Белгиси» ордени Р. Муродуллаев, самарқандлик ветеран учувчи, Ленин ва Октябрь Революцияси орденлари кавалери Г. Цохребов, Урганч авиабўлинмасининг техниги, Меҳнат Қизил Байроқ орденли Н. Исмоилов каби ўнлаб ўртоқлар янги беш йилликда ҳар қачонгидан ғайрат билан ишлаб, ички резервлардан оқилона фойдаланиш, кўплаб ёнилги ва эҳтиёт қисмларни тежаб қолиш ташаббуси билан чиқдилар. «Пахтаорол», Фарғонадаги Калинин номли совхозларда ва Риштон райони хўжаликларида ҳар гектар ерга химиявий ишлов бериш жараёнида самолётларга сарфланадиган суюқлик нормасини камайтириш тажрибалари синовдан ўтяпти. Буларнинг ҳаммаси битта мақсадга қаратилган бўлиб, янги беш йилликда «кичик авиация»нинг катта ишларини янада кўпайтиришдан иборат.

Олдимизда фахрли ва масъулиятли ишлар турибди. Бинобарин, ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съезди минбаридан туриб сўзлаган нутқида айтиб ўтганидек, бу ишларга ҳар бир совет киши ўз ҳиссасини қўшади.

М. АБДУЛЛАЖОНОВ,
Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармаси сиёсий-тарбиявий ишлар бўлимининг бошлиғи.

БОСИЛМАГАН ХАБАРЛАР ИЗИДАН

ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛДИ

Газетхон Н. Каримов Гагарин номли қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникумида физкультура ва спорт ишлари қониқарсиз экани, спорт зали анчадан бери ремонтга муҳтож бўлиб ётгани тўғрисида хабар қилган эди.

Меҳнаткашлар депутатлари Гагарин район Совети ижроия комитетидан маълум қилишларича, газетхон хатида кўрсатилган фактлар текширишда тўла тасдиқланган. Техникумда физкультура ва спорт ишларини яхшилаш тадбирлари кўрилган. Ўқув юртининг спорт зали ремонт қилинади ва керакли спорт анжомлари билан тўла таъминланади.

ПАРТИЯГА РАҲМАТ

Барча совет кишилари қатори мен ҳам КПСС XXV съезди қарорларини зўр қизиқиш билан ўқидим. Съезд қабул қилган тарихий ҳужжатлар ҳар бир меҳнаткашни янги ғалабаларга илҳомлантиради. Айниқса КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ҳисобот докладида барча совет хотин-қизлари ва менга ўхшаш оналарга катта ғамхўрлик ифодаси ўз аксини топгани қувончлидир.

Менга яқинда «Қаҳрамон она» унвони берилди. Бунга жавобан фарзандларимни она-Ватанимизга содиқ кишилар қилиб ўстириш учун бутун куч ва ғайратимни сафарбар этаман.

З. РАШИДОВА,
Қаҳрамон она.
Тошкент шаҳар, Чилонзор райони.

АВТОЛАВКАЛАР ЯЙЛОВДА

Нурота район чорвадорлари масъулиятли давр — қўзиластиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Мардона меҳнат қилаётган яйлов баҳодирларига савдо хизмати кўрсатиш яхши йўлга қўйилган.

Район матлубот жамиятига қарашли автолавка ва кўчма дўконлар яйловларга кўчирилди. Ленин номли, «Ғозғон», «Нурота», «Қизилча» совхозларининг олис яйловларидаги чўпонларга намунали савдо хизмати кўрсатилмоқда.

М. РАҲМАТОВ,
Район халқ маориф бўлимининг методисти.

КПСС XXV съезди қарорларида Совет Иттифоқида болаларнинг саломатлигини мухофаза қилишга катта эътибор берилади.

Суратда: Тошкентдаги 9-болалар поликлиникасининг тажрибали врачи Анна Егоровна Ляпина билан медицина ҳамшираси Антонина Петровна Яшина боланинг соғлигини текширяптилар.

Т. Жавлонов фотоси.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

ҲАММА НАРСА ИНСОН УЧУН

Меҳнаткашларнинг хатлари жамоатчилик фикрини ифодалайди. КПСС XXV съезди қарорларида меҳнаткашларнинг хатлари, таклифларига эҳтиёт бериш зарурлиги таъкидланади. Шу муносабат билан газетанинг Андижон область мухбири А. Қуронбоев шаҳар ижроия комитети раиси А. Жалилов билан суҳбатлашди. Қуйида ана шу суҳбат мазмуни билан танишасиз.

— Суҳбатни бир хатнинг тақдиридан бошласак, — деди ўртоқ Жалилов. — Бу хатни Саодат ва Бедил кўчаларида яшаётган бир гуруҳ газетхонлар ёзиб юборишган. Унда қўйилган масала муҳим. «Биз турган кўчалар, — дейиладн унда, — ёзда чанг-тупроқ кишда эса лой, машиналар киролмайди. Сизлардан илтимос, кўчамизга асфальт ётқизишда ёрдам берингглар .

Шаҳар ижроия комитети хатни текшириш учун махсус комиссия тузди. Комиссия аъзолари хатда келтирилган фактларнинг тўғрилигини аниқлаш билан бирга бошқа масалаларни ҳам ўргандилар. Мазкур кўчалардан якка тартибда қурилаётган уйларга водопровод тармоғи ўтказилади. 1976 йилда хонадонлар газлаштирилади. Ана шу ишларни амалга оширмай туриб, кўчаларни асфальт қилиш мумкин эмас. Ижроком бу хатнинг ижросини ўз назорати остига олди.

— **Меҳнаткашлардан тушаётган ариза ва шикоятларнинг кўпи ободончилик, аҳолининг турмуш эҳтиёжлари ҳақида. Бу ҳақда Сизнинг фикрингиз!**

— Шаҳримиз йил сайин кўркамлашиб боряпти. Кўплаб янги уй-жой бинолари, кўчалар, хиёбонлар, микрорайонлар барпо этилди. Аҳолига коммунал-маиший хизмат кўрсатиш бирмунча яхшиланди. 9-беш йиллик мобайнида шаҳарни ободонлаштиришга 4 миллион 810 минг сўмлик маблағ сарфланди, 1 миллион 80 минг квадрат метр йўл ва хиёбонларга асфальт, 371 минг квадрат метр йўлга шағал ётқизилди. Мир, Олтинкўл, Клара Цеткин каби янги равон кўчалар очилди. Шаҳарга яқин жойда «Боғишамол» дам олиш зонаси яратилди.

Бу билан бирга аҳолининг турмуш эҳтиёжларини қондиришда бир қанча қийинчиликлар туғилаётганлигини ҳам айтиб ўтиш керак: Баъзилар: «Биз яшаётган кўча нега асфальт қилинмаяпти?», деб ёзишади. Шаҳарда 500 га яқин кўча бор. Шулардан энди 35 процентига асфальт ётқизилди. Ижроком шаҳардаги корхоналар, муассасалар, идораларнинг ёрдами билан ҳар йили 25—30 та кўчани асфальт қилдирмоқда. Қолган кўчалар эса навбат билан ободонлаштирилади.

— **Ариза ва шикоятларда ичимлик сув етишмаётганлигини кўрсатувчи фактлар бор. Шаҳарда бу масала қандай ҳал қилинмоқда!**

— Аҳолини сув билан таъминлаш соҳасида анча ишлар қилинди. Водопровод тармоқлари қурилишига икки миллион сўмлик маблағ сарфланди. 22,5 километр узунликда водопровод қувурлари ўрнатилди. Шаҳарда дарахт ва гулларни суғориш учун 5 та артезиан қудуғи қазилди. Бу, водопровод сувини тежашга имкон берди.

Шунга қарамасдан, шаҳарда сув етишмайди, водопровод суви етиб бормаган маҳаллалар, кўчалар ҳам йўқ эмас. Бу ҳақда Бозорбоев, Каримов, Шукуров, Мансуров, Умаров ўртоқлар ёзган хат гувоҳлик беради. Улар редакция адресига йўллаган хатида Уйғуробод ва Уйғур кўчаларига водопровод суви келтиришдаги қийинчиликлар ҳақида қуйиниб ёзишган.

Шаҳар ижроия комитети шикоятни текширди. Бу кўчаларни водопроводлаштириш планга киритилмаган. Шунинг учун маҳалла аҳолиси маблағи ҳисобидан водопровод қуришга рухсат этилган. Лекин айрим ташкилотларнинг айби билан бу иш чўзиб юборилган. Ниҳоят Уйғуробод ва Уйғур кўчаларига кичик ҳажмдаги водопровод қувурлари ётқизилди. Шаҳар коммунал хўжалиги 1976 йилда Ўртоқ ва Уйғуробод кўчаларини ҳам асфальт қилишни планга киритиб қўйди.

Шаҳар партия, совет ташкилотлари юқори ташкилотларнинг ёрдами билан сув муаммосини ҳал қилиш тадбирларини ишлаб чиқдилар. Мундуз — Андижон магистрал сув қувурининг иккинчи навбати қурила бошланди. Бунга 1,5 миллион сўмлик маблағ ажратилди.

— **Ижроком келган хатлар, шикоятлар ва аризаларни кўриб чиқиш борасида қандай ишлар қилди!**

Шаҳарда ҳар йили кўплаб янги уй-жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Лекин шунга қарамасдан уй-жой масаласи ҳамон ижроком фаолиятидаги муҳим масала бўлиб қолмоқда. Шунинг учун квартира сўраб ёзилган ҳар бир хатни нукур ўрганишга тўғри келмоқда. Уй тақсимлашда хат авторлари ишлаётган идора берган тавсияномага қатъий риоя қилинаётир.

Шаҳар ижроия комитети айрим масалалар юзасидан шошилинч чоралар кўрмоқда. Бу ишга ижроком ходимлари, шаҳар Советининг депутатлари жалб қилинмоқда. Улар меҳнаткашларнинг шикоятини туғдирган сабабларни ўрганишяпти. Қимматли таклифлар амалга оширилиб, жиддий масалалар халқ хўжалик плани тузилган пайтда эътиборга олинмоқда. Эътироф этиш керак. Аҳолига хизмат кўрсатиш доираси кишиларнинг эҳтиёжларидан орқада қолаётир. Текширишда шу нарса аниқландики, шаҳар ижроия комитетига келган хатларнинг 55 проценти уз вақтида диққат-эътибор билан кўриб чиқилган. Қолган хатлар, шикоятлар ва аризалар эса объективсубъектив сабабларга кўра навбат кутиб турибди. Шаҳар ижроия комитети бу камчиликни бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқди. Аҳолининг турмуш эҳтиёжларини қондириш биз учун бундан кейин ҳам асосий масала бўлиб қолади.

САВОЛ БЕРИНГ—ЖАВОБ БЕРАМИЗ

БОЛАЛАР УЧУН НАФАҚА

Оилнадиган даромад оила аъзоларининг ҳар бири ҳисобига ойига 50 сўмдан тўғри келса, бундай оилалардаги болаларга нафақа тайинланадими?

Колхозлар территориясида яшовчи турли касб эгаларига ҳам томорқа берилган. Оиланинг ўртача ойлик даромадини аниқлашда томорқадан келадиган даромад ҳам ҳисобга олинади. Бундай даромад қай тарзда ҳисобланади?

Ҳ. ҲАНИТБОЕВ,
Бируний районидаги Киров номли колхоз аъзоси.

Оиланинг ҳар бир аъзоси ҳисобига ўртача ойлик даромад 50 сўмдан тўғри келганда ҳам бундай оиладаги саккиз ёшгача бўлган болаларга нафақа тайинланади. Агар даромад жон бошига 50 сўмдан бир тийин ортиқ бўлса ҳам нафақа тайинланмайди.

Томорқадан келадиган даромад ҳам оиланинг умумий даромадига қўшилади. Томорқадан келадиган даромад миқдори турли областлар учун турлича белгиланган. Масалан, Қорақалпоғистон АССРда колхозчилар учун томорқадан олинадиган даромад миқдори ойига 50 сўм белгиланган. Ишчи ва хизматчилар томорқасидан келадиган даромад уларнинг томорқаси қаерда жойлашганига қараб белгиланади. Масалан, томорқа шаҳарда жойлашган бўлса ойига 10 сўм, шаҳар типидаги поселкада эса 20 сўм, қишлоқ жойда 45 сўм миқдорида белгиланган. Шуни ҳам айтиш керакки, томорқадан олинадиган даромадни белгилашда шу томорқанинг катта-кичиклиги ҳисобга олинмайди.

Р. ВЕРЕШЧАГИНА,
Узбекистон касаба союзлари республика Совети социал страхование бўлимининг инструктори.

ШОТУТ

Ҳурматли редакция! Ҳовлимизга шотут кўчати ўтқазганмиз. Шотут ва унинг хосияти ҳақида газета орқали батафсилроқ маълумот берилишини сўраймиз.

А. ЕДГОРОВ, Т. АҲМЕДОВ, С. ЗУФАРОВ,
Тошкент шаҳар, Октябрь райони.

Шотут Шарқ мамлакатларида қадимдан экиб келинади. У манзарали, узоқ яшайдиган, совуққа чидамли дарахт. Айниқса тоғли районларда кўпаяб ўстирилса эррозиянинг олди олинади, сув манбаини оширишга хизмат қилади.

Илдиз ва барги дамлаб ичилса қанд касаллиги чекиниши мумкин. Суруикали уйқусизликка йўлиққан кишилар пишиқчилик пайтида бир ой мобайнида шотут мевасини истеъмол қилишлари керак. Томоқ оғриганда, милк касалланганда эса шотут шарбатидан гаргара қилиш тавсия этилади. Хуллас, шотутнинг шифобахш томонлари кўп. Ўз даврида Абу Али ибн Сино шотут билан бир неча хил касалликларни даволаган. Чунки, унинг таркибида аъло сифатли қанд, кислота, витамин, минерал туз ва тониднлар мавжуд.

Шотут серҳосил, хушхўрдир. Унинг ҳар тупидан 150-200 килограммгача ҳосил олиш мумкин. Уни кўпайтириш осон — хашаки тутга пайванд қилинса, тез авж олиб ҳосилга киради.

М. ТУРЧИЕВ,
табиатшунос.

СПОРТ

„БИНОКОР“ БИРИНЧИ ЛИГАДА

Утган куни Тошкентнинг «Бинокор» командаси хоккейчилари ўз майдонларида мавсумнинг якунловчи учрашувларидан бирини Темиртовнинг «Строитель» коллективи билан ўтказиб, қимматли 4 очко [10:2, 9:4] жамгардилар ва биринчи лигага йўлланма олдилар.

Бундан беш йил бурун Тошкентда Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган хоккей командаси тузилгани баъзиларга қизиқ туюлганди. Тошкентлик хоккейчиларнинг тўрт-беш йилда бунчалик маҳорат касб этиб, эл назарига тушиши ҳар кимнинг ҳам хаёлига келмаган эди. Лекин гап бошқа-ю, иш бошқа экан. Команда таркиб топганидан кейин мухлислар аввалига марказий «Юбилей» саройи томон «қани кўрайликчи, қандай ўйнашарекан?» деган маънода йўл олишган бўлса, бора-бора уларнинг давраси кенгайиб, «ашаддий» мухлислар ҳам юзага келди. Шу кунларда «Бинокор» ўйинларининг бирортасини ҳам ўтказмай томоша қилаётган ишкибозлар соки ортиб бормоқда.

Сирасини айтганда, ҳар қандай ишни биринчи бўлиб бошлаш осон эмас. Хоккей командаси Тошкентда, серқуёш ўлканинг марказида таркиб топди. Шунга қарамай, спортнинг қишки турлари орасида энг севимлиси ҳисобланган хоккей республикамиз физкультурачилари доимий шу-гулланиб келаётган энг оммавий спорт ўйинлари қаторидан мустаҳкам ўрин олди.

Хоккей командамиз дастлабки мавсумни фахрли ўринни эгаллаш билан якунлагани мухлисларни ҳам, республикамиз спорт мутасаддиларини ҳам беҳад қувонтирганди. Ўйинчиларнинг ҳар бир учрашувда шашти баландлик билан шайба суришларини кўриб, командамиз узоқ борса икки-уч йил ичида юқори лигага қўтарилади деб ўйлаган эдик. Бирок иккинчи лигани тарк этиш ўз-ўзидан бўлмасди. Бинокорчилар қанча ҳаракат қилишмасин, ўтган йиллар мобайнида 3—5-ўринлар билан кифояланишдан нари ўтишмади. Биринчи даара ўйинларида қимматли очколарни бой бериб, чемпионатнинг ҳал қилувчи палласида афсусланиб қолинарди. Шу боисдан команда ташкил этилган йили ҳам, ундан кейинги чемпионатларда ҳам «Автомобилист» (Олмаота), свердловсклик армиячилар, «Каучук» (Омск), «Спутник» (Нижний Тагил) коллективларини юқори лигага «қуватиб» қўйиш билан чекланилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Бинокор» кейинги икки йил ичида ўйинларининг мазмуни ва составининг таркиби жиҳатидан мутлоқ ўзгарди. Команданинг бўш звенолари янги кучлар ҳисобига мустаҳкамланди. Бунда бинокорчилар устози, РСФСРда хизмат кўрсатган тренер Виктор Иванович Столяровнинг хизматлари катта бўлди. У узоқ йиллар «Трактор» командасига устозлик қилиб ортирган тажрибасини бинокорчилар билан баҳам кўриб, хоккейчиларимизнинг тактик ва техник жиҳатдан маҳорат касб этишларига кенг йўл очди. Устозга ёрдамчилик қилаётган команданинг иккинчи тренери Владимир Каменев бинокорчилар билан бағоят иноқ.

Бинокорчилар мавсум бошиданоқ биринчи лигага ўтиш учун қатъий бел боғладилар. Дарвоқе, хоккейчиларимиз чемпионатнинг дастлабки турлариданоқ эзгу мақсад йўлида қуйинчаклик қила бошлашди. Команда аъзолари ўртасида интизом мустаҳкамланганлиги, бўш вақтларда турли мавзуларда суҳбатлар ўтказиб турилиши ва қолаверса, команда деворий газетасининг мунтазам чиқариб борилиши йигитларимизга ўз таъсирини кўрсатди. Бинокорчилар ўзаро самимий муносабатда ҳамкор ва ҳамжиҳат эдиларки, уларнинг бу фазилатлари энг қийин хоккей «жанг»ларида бир-бирларини ақиллик билан қўллаб-қувватлашларида кўпроқ намоён бўларди.

Биринчи даара якунида 26 ўйинда 39 очко жамғарилди. Новосибирск армиячиларида эса атиги бир очко кам. Гарчанд аввалги йилларга нисбатан чемпионат ярмидаги мавкеи дуруст бўлишига қарамай, мавсум охиригача пешқадамликни сақлаш команда олдида асосий масала бўлиб турарди.

Бинокорчилар иккинчи даврани шундай жанговар рухда ўтказдиларки, охир оқибатда даъвогар даъвогарлигича қолаверди. «Бинокор» эса пешқадамликни мустаҳкамлаб бораверди. Бу йил бинокорчилар сингари юқори лигани астойдил кўзлаган новосибирсклик армиячилар ҳар қанча уринишмасин, энг қулай имконятларни ўз майдонларида бой бериб қўйиб, пировардида бир иш чиқара олмадилар.

Умуман, новосибирсклик армиячилардан жами 7 очко «тортиб» олингани «Бинокор»ни биринчи лигага кўтарилишида ҳал қилувчи роль ўйнади. Бинокорчилар армиячиларни ўз майдонларида икки марта мағлубиятга учратишган бўлса, сафардаги тақрорий ўйинларда ҳисобни 2:0 ва 1:1 қилишга муяссар бўлдилар. Ана шу сафар ўйинида кўп нарса ойдинлашди. Хоккейчиларимиз даъвогардан 5 очко илгарилаб олдилар. Қолган тўрт учрашувни бинокорчилар ўз майдонларида, армиячилар эса сафарда ўтказардилар.

Энди «Бинокор» охирги учрашувлар ҳисобидан қатъий назар биринчи лигага чиқиб олди.

Бинокорчиларга омад келтирган мамлакат XXX чемпионатининг энг яхши ўйинчиси номига лойиқ хоккейчиларимиз талайгина. Чунончи, мухлисларга танилиб кетган ҳужумчилардан Олег Розов билан Ринат Бойтмухамедовларнинг киритган шайбалари 50 тага етиб қолди. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, қўлга киритилган ютуқда командада беш йилдан бери дарвозани кўриқлаб келаётган Евгений Подьянов хизматларининг алоҳида ўрни бор.

Хоккейчиларимизнинг бу зафари тошкентлик қурувчиларга ўзига хос ажойиб совға бўлди. Маълумки, яна бир ярим ойчадан кейин республикамиз пойтахтида ер қимирлаганига 10 йил бўлади. Тошкент партия ва ҳукуматимизнинг доно сиёсати, дўстлик қудрати туфайли янгича кўрк, янгича жамол касб этди. Шаҳар ҳам энига, ҳам бўйига кенгайди. Шавкатли бунёдкорлар номини олган хоккей командамизнинг ўзига хос сана нишонланадиган йилда, баҳор ойимида юқори лигага кўтарилиши нур устига аъло нур бўлди.

Бинокорчиларнинг биринчи лига «юзики» кўриши хайрли гап. Бу ютуқ Узбекистонда спортнинг қишки тури — хоккей тобора рас ак топаётганлигидан далолат беради. Ёш хоккейчилар мактабининг шайба суришга ҳавас қўйган ўсмирлари бинокорчилар ортидан изланмоқдалар. «Бинокор» составида мазкур мактабнинг Анатолий Крамский, Бахтиёр Рашидов сингари ҳимоячилари ва Валерий Кичанов каби дарвозабони ўйнаётган экан, бу яқин йилларда ўринбосарлар янада кўпаяжагини кўрсатади. Ҳар йили «Олтин шайба» совғини учун мактаб, маҳалла, ҳовли командалари Бутуниттифоқ мусобақаларида куч синашишмоқда. Ҳа, Узбекистонда хоккейчилар ва хоккейга қизиқувчилар давраси кенгайиб бормоқда.

О. МУСАЕВ,
«Бинокор» хоккей командасининг бошлиғи.

Суратда: «Бинокор» командаси хоккейчилари.
В. Иванов фотоси.

АНҲОР «ТҮН» КИЙДИ

КУМУШ КАМАР



— Тошкент метроси Анҳор тагидан ўтармикан ё устидан...

— Анҳорга янги кўприк солинса керак, чунки бизда метро кўпроқ очиқ усулда қуриляпти-ку...

Яқин-яқингача бундай суҳбатга дуч келиш мумкин эди. Ниҳоят метро қурилиши навбати Анҳорга келиб тақалди-ю, қўпчиликка жумбоқ бўлиб туюлган бу «муаммо» ойдинлашди. Метро йўли Анҳор остидан ўтказилишини қурувчилар яхши билишарди. Аммо тоннель қазиш бошланганда сув пастга сизиб берди. Анҳор суви тўхтатилмаса, қурилишни давом эттириб бўлмайдиган. Сув бошига тўсиқ ташланди. Кўп ўтмай Анҳорнинг узоқ йиллардан буён «яшириб келган борлиғи» кўринди-қолди.

Метро қурилиши давом этаверди. Анҳор ўзанида эса бошқа бир хайрли иш бошланиб, бетон қопламалар ётқизишга киришилди. Қудратли техника ишга тушди. Бироқ канал тагини тозалаш анҳор «сири»ни ошкор қилишдек гап бўлди. Жимирлаб оқаётган сув остида «унсиз» ётган темир-терсак буюмлар ўз йўлига-я (гарчанд буларнинг аксарияти XIX асрга мансуб бўлса-да), суронли йиллардан дарак берувчи қуролмўтинг қисмлари, граната ва снарядларнинг сақлангани ҳайратланарли.

Харбий сапёрларсиз бир нима қилиш маҳол эди. Ниҳоятда эҳтиётлик талаб қилинарди. Йиллар давомида «ялвираб» қолган граналалар ҳали даҳшатли портлаш кучига эга. Солдатлар ўнқир-чўнқирлардан у ер-бу ери кўриниб турган қуролларни қаричма-қарич қумлойдан тозалаб, битта-битта қирғоққа олиб чиқишди. Суви кетмай қўлмак бўлиб қолган жойларда махсус костюмлар кийиб ишлашга тўғри келди. Қийин шароитда олинган мингга яқин граната, снаряд ва миналар алоҳида машиналар колоннаси билан шаҳар четига олиб чиқилди ва безиён портлатиб юборилди.

Бу қуроллар сув остига қандай қилиб тушиб қолди?! Маълумки, Тошкентда Совет ҳокимияти учун қураш йиллари Тўпроққўрғон вақтли ҳукумат қароқчиларининг жон сақлаб турган сўнгги қароргоҳига айланган эди. Балки Октябрь байроғини ҳилпиратиб келаётган қизғолончилар ҳужумига дош беролмаган душман тайёр қурол-аслаҳани бой беришдан қочиб, сувга ташлагандир. Ҳозирча шундай таҳминлар бор.

Ана шу тариқа хавф-хатар бартараф этилди. Каналга бетон қўйлаклар қийгазилиб, сув янгича манзара касб этган ўзан бўйлаб оқа бошлади. Метро қурувчилар эса бир кеча-кундузда бир ярим метрга етказиб тоннель қазиш ишларини давом эттирмоқдалар. Анҳор тагидан 50 метрли тоннель ўтказиш Виктор Киселев бошлиқ комплекс бригада аъзолари зиммасига юклатилган.

Қирғоқларига 1800 метр узунликда бетон қопланган Анҳор суви шаҳар марказининг қумуш камари тимсолини олди. Анҳор бир пайтлар пастак пахса уйлар, жарликлар оралаб оқарди. Соҳил бўйлаб юришнинг ўзи бўлмасди. Энди у янгидан жамол кўрсатган азим Тошкентнинг ўртасидан кўркам ва салобатли бинолар жамолини сув юзида акс эттирганча ҳиёбонларга бағрини бериб оқмоқда. Ҳар дақиқада 60 кб метрга яқин об-ҳаёт мавжланиб оқиб турибди.

Ҳ. НОСИРОВ.

Суратда: Анҳорнинг В. И. Ленин номли майдон томонидан кўриниши.
А. Тўраев фотоси.

АХБОРОТ

ЖИЗЗАХ

МЕҲМОНИМИЗ БЎЛИНГ, ОНАХОН!

ГАГАРИН шаҳар Совети ижроия комитети жаҳонининг биринчи космонавти Ю. А. Гагаринининг онаси А. Т. Гагаринадан ҳат олди. Унда шундай дейилган: «Ўғлим хотирасига бўлган юксак ҳурматларингиздан беҳад миннатдорман. Сизларга бахт-саодат, ишларингизда катта муваффақиятлар тилайман... **Анна Тимофеевна ГАГАРИНА».**

Яқинда гагаринликлар қаҳрамонининг онасига жавоб хати ёзишди. Унда шаҳарнинг қиёфаси, келажаги ҳақида ҳикоя қилинди. Айни пайтда қаҳрамонининг онаси Мирзачўлга таклиф этилди. Анна Тимофеевна бу таклифни мамнуният билан қабул қилди.

Гагарин шаҳар марказида биринчи космонавт учун ҳайкал ўрнатишга қарор қилинди. Республика архитекторлар союзи ана шу ҳайкалнинг макетини тасдиқлади. Бу ҳайкални Ю. А. Гагаринининг дўсти, РСФСРда хизмат кўрсатган рассом, СССР Давлат мукофотининг лауреати Т. Н. Постников ҳамда Жиззах область архитекторлари А. Зоидова ва А. Бурҳоновлар ишлашади. Унинг баландлиги 18,5 метр бўлади. Ҳайкал Гагарин шаҳри ҳуснига ҳусн қўшади.

ЗАРБДОР ОБЪЕКТ

Зомин районидаги меҳнаткашлари Зоминсой сув омборини қурилишини ўнинчи беш йиллиннинг зарбдор объекти деб эълон қилдилар. 50 миллион кубометр сув йиғиладиган сунъий денгизни, баландлиги 76 метр келадиган тўғонни тиклаш ишлари қизғин бошлаб юборилди. «Джизакводстрой» трестига қарашли 6-кўчма механизациялашган колонна ишчилари ғайрат билан ишламоқдалар.

Айни пайтда ерларни суғоришга тайёрлаш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Бунинг учун шу йилнинг ўзида мингдаб гектар ерлар текисланиб, 17 километрлик магистрал канал қазиб, бетонланади. Бу «Қизил чорвадор», 2 — «Зомин», «Ударник» совхозларининг асрий палмикор ерларининг гуллаб-яшнашига имкон беради.

— Асосий йўналишларда «Сув ресурсларидан янада самаралироқ фойдаланилсин» деб таъкидланган. Бу ишлар ана шунга жавоб бўлади, — дейди район сув хўжалиги бошлиғи А. Асфандиёров,— Зомин булоқ ва сойлар ўлкаси. Ана шу булоқ ва сой сувларидан рационал фойдаланиш ҳисобига қисқа вақт ичида 900 гектар лалми ерларни суғориш имконияти яратилади.

ҒАЛЛАЧИЛИК СОВХОЗИ

Жиззах чўлининг марказий қисмида ғаллачилик совхози ташкил этилди. Хўжаликка 2 минг гектар ер биркитилди. Бунинг салкам ярмига суғориладиган экинлар экиш. мўлжалланмоқда. Янги совхоз аҳли ўнинчи беш йиллиннинг биринчи йилиёқ Ватанга ҳар гектар ер ҳисобига 15 центнердан дон етказиб бериш учун курашмоқда.

Қисқа вақт ичида ғаллакорлар экин ер ҳажмини 2,5 баравага оширадилар. Суғориладиган ерлар 7 минг гектарга етади.

АРЗОН, СИФАТЛИ ВА ЧИРОЙЛИ

Жиззах қурилиш материаллари комбинатида янги маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирила бошланди. Бу цементсиз блок бўлиб, цемент ўрнига оҳак ишлатилади. Янги технология туфайли қурилиш материалининг вазни енгиллашади, таннарҳи арзонлашади, сифати яхшиланади.

МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Пластмасса заводи коллективи ўнинчи беш йиллиннинг сифат ва самарадорлиқда бурилиш йили деб эълон қилди. Шунга кўра, бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ассортименти сафига 27 тур қўшилди. Бу ошхона ва ҳаммом деворлари учун пластмасса плиткалари бўлиб, у зах ерларни коплашга мўлжалланган. Шунингдек, ишчилар болалар учун карнавал никоблари ҳамда турли диаметрли қувурлар ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштирдилар.

Н. МИРЗАЕВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

«...Шаҳарлар ва аҳоли пунктларини қуришда ободончилик ишлари даражаси оширилсин».

(Узбекистон Компартияси XIX съездининг резолюцияси дан).

Избоскан районидаги Охунбобоев номли колхознинг «Баҳор» маданият ва истироҳат парки Бутуниттифоқ кўригида ғолиб чиқди. Бу кўрикда 1200 қишлоқ маданият ва истироҳат парки иштирок этди. СССР Маданият министрлиги, ВЛКСМ Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети қузуридаги физкультура ва спорт комитети, маданият ходимлари Касаба союзи Марказий Комитети, «Известия» газета редакцияси уюштирган бу кўрик уч йил давом этди.

«Баҳор» парки ўтган ўн йил ичида ҳашар усулида барпо этилди — бу ерда колхозчилар, мактаб ўқувчилари бўш вақтларида ишладилар. Коллектив сарфлаган кучғайрат туфайли вужудга келган бу парк энди чинакам маданият ўчоғи ва пахтакорлар дам олдиган жой бўлиб қолди. Кенг шох ёзгач чинор ва қайрағоч дарахтлари билан ёнма-ён Росси» эманлари, бир текис ўсаётган Қрим арчалари, Сибирь қарағайлари, платанлар — жами беш мингга яқин турли дарахтга ўрнатилган ёдгорлик баланд қад кўтарган. Ана шу ёдгорлик орқасида уруш майдонидан қайтиб келмаган колхозчилар шарафига ўтказилган уч юзта кўм-кўк арча дарахти икки катор бўлиб саф тортган.

Футбол майдони, югуриш йўлкаси, сузиш ҳавзаси бўлган стадион парк билан бир бутун бўлиб кетган. Стадионга ёнма-ён қайиқ станцияси, пляжи бўлган кўл, болалар майдончаси, ҳар хил ўйин аттракционлари бор. Бу ерда ҳозирги кунларда ҳам дам олувчилар кўп — биллиардхона, шахмат-шашка клуби, чойхоналар, ресторан ишлаб турибди.

Паркда Фарғона водийсида биринчи планетарий қурилиши ниҳоясига етай деб қолди. Епиқ эстрада ва 600 ўринли ёзги кинотеатр қурила бошланди. Стадион билан бирга парк территорияси ҳозир қариб тўқкиз гектари эгаллайди. Келгусида унинг майдонини кенгайтириш мўлжалланмоқда. Бу ердан узоқ бўлмаган жойда, Катта Фарғона канали яқинида колхоз профилакторий-санаторийсини қуришга қарор қилинди.

М. РАҲИМОВ,
ЎзТАГ мухбири.
Андижон области.

ҲЕЧ КИМ, ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ

СУЯКДАГИ ТЕМИР ПАРЧАСИ

Операция тугади. Беморга 30 йил азоб берган темир парчасини жаррох, медицина фанлари доктори Шаҳоб Шамсиевич Ҳамроев усталик билан чанок суяклари орасидан олиб ташлади. Икки соат давом этган оғир операциядан кейин бемор кўзини очди, сув сўради. Унинг ёнида ўтирган фельдшер Ҳаким Азимов беморнинг лабини ҳўллади. Яна бир ўлимдан қолди, — ўйлади у ичида. Ҳа, яна бир ўлимдан қолган бемор Улуғ Ватан уруши қатнашчиси эди. Ўша даҳшатли йиллар фельдшер Ҳаким ака кўз олдида яна қайта жонланди.

Ҳаким ака чанок суяклари орасида 30 йил темир парчасини кўтариб юрган бундай беморларнинг ўша даҳшатли йилларда жуда кўпининг дардига малҳам бўлди. Ҳаким ака ҳам Ватанимизнинг миллионлаб ўғил-қизлари қатори урушда қатнашиб, Ватанни малъун душмандан ҳимоя қилди, оловли йиллар машаққатига бардош берди. У ҳозир ҳам халқимиз саломатлиги йўлида қурашиб қолмоқда.

Эртаси куни Ҳаким акадан уруш таассуротларидан гапириб беришни сўрадик. «Ўша даҳшатли кунлар, — деб гап бошлади Ҳаким ака, ҳеч бир инсоннинг ёдидан чиқмаса керак. Кечагидай кўз ўнгимда, ёнаётган қишлоқлар, ёш болаларнинг ўт ичидаги фарёди... ҳаммаси-ҳаммаси эсимда. Ўша кунларнинг бирида фашист газандалари бизнинг 308-гвардиячи полкимизни ўраб олди, бир канча йигитларимизда ажралдик. Шундай жангда ҳалок бўлган жанговар дўстларим кони учун, севикли Ватаним учун кураш ҳисси юрагимда аланга олди.

Ҳаким ака ён дафтардан сарғайиб кетган, лекин энг азиз эсдалик сифатида юрак тўрида асраб юрган бир суратни кўрсатди — бу уруш бошланган кундан бир ой олдин олдирилган сурат экан. Бу суратни кўлга олар экан ман, жанговар дўстларим — андижонлик Ўтанов, ленинградлик Степанов, львовлик Оронов, тамбовлик Шамаев, самарқандлик Умаров, новосибирсклик Миненко ва бошқаларнинг ёркин сиймолари кўз олдимда намоён бўлади, дейди у хаёлга толиб.

Эндиликда Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Бухоро область касалхонасининг фельдшери Ҳаким Азимов аҳил коллектив ўртасида ҳурмат ва иззатда.

Унинг кўксидаги орден ва медаллар урушда қаҳрамонона жанг қилганини кўрсатиб турибди.

Ш. УМАРОВ,
Бухоро область касалхонасининг врачи.

КОЛХОЗ ПАРКИ — ЛАУРЕАТ

ЯНГИ СОВХОЗЛАР

САМАРҚАНД. («Совет Узбекистони» мухбири). Нарпай насос станцияси туфайли асрлардан бери қақраб ётган чўлга сув чиқарилганига анча вақт бўлди. «Правда», «Иттифоқ», «Узбекистон», «Москва», «КПСС XXII съезди», Ленин номли ва бошқа колхозлар томонидан адирдан талай ер очилди. Нарпай районига қарашли ана шу массивда янги пахтачилик совхози ташкил қилинди.

Халқ бахшиси Ислом шоир Назар ўғли номига қўйилган янги совхознинг истиқболи порлоқ. Унда ўзлаштирилган ерлар кўп. Ҳозир янги совхоз 2700 гектардан зиёдроқ суғориладиган ерга эга. Яқин орада яна 2000 гектар ер ўзлаштирилади. Совхоз маркази Октош шаҳрига яқин жойда бўлади. Шунингдек, Хатирчи районида ҳам «Учқўра» узумчилик совхози ташкил этилди.

ЎЗБЕК ОЛИМИГА — ХАЛҚАРО МУКОФОТ

Иккала давлат ўртасидаги дўстона муносабатларнинг 50 йиллиги муносабати билан Совет ва Эрон ҳукуматлари биргаликда таъсис этган Абулқосим Фирдавсий номидаги мукофот Тошкент Давлат университетининг профессори, филология фанлари доктори Ш. Шомухамедова Теҳронда топширилди.

Ўрта асрда яшаган улуғ форс ва тожик шоирининг номи билан аталган бу мукофот белгиланган қондага биноан, Эрон ва Совет халқларининг маданиятларини ўзаро бойитишга, улар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган адабиёт, санъат ёки адабиётшунослик соҳасидаги жуда катта асарлар учун берилади. Тошкентлик олим дастлабки тўртта лауреат қаторига кирди. У Абулқосим Фирдавсий ижодий меросининг тадқиқоти учун, ўлмас «Шоҳнома» асарини ўзбек тилига таржима қилганлиги учун юксак мукофотни олишга сазовор бўлди.

(ЎзТАГ).

Реклама ва эълонлар

Телевидение

БИРИНЧИ ПРОГРАММА — 10.00 — МОСКВА. 18.15 — ТОШКЕНТ. 18.20 — Мультфильм. 18.35 — Республика пионер дружиналарининг телевизион кўриги. 19.15 — **«Ахборот».** 19.30 — Ўн минут музика. 19.40 — Самарадорлик ва сифат беш йиллиги. 20.00— Концерт. 20.10 — **«Ахборот».** 21.20 — Езувчи ва ҳаёт. 22.00 —МОСКВА. **«Вақт».** 22.30 — **Хоккей:** МАСК — «Крылья Советов». **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.25 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатуви. 18.15 — МОСКВА. 18.30—«Объектив». 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Концерт. 20.00 — Инсон ва қонун. 20.30 —Телеспектакль. 22.00—Қишлоқ хўжалиги билимлари телевизион халқ университети. 22.30 — **Камонинг сўнгги жасорати** (бадиий фильм). **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.55—ТОШКЕНТ. 19.00 — Ўқув кўрсатуви. 19.30 — Фильм-концерт. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.15—**Даурия** (бадиий фильмнинг 1-серияси). 21.50 — Ўқув кўрсатуви.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/III да **Ой тутилган тунда,** 17/III да **Кўрмайин бесдим тиконни,** 18/III да **Абу Райҳон Бируний.**

Кино

Саҳро ва чангалзорларда — «ЧАЙКА» (10.30, 13.15, 16.00, 18.45, 21.45), «ҚОЗОҒИСТОН» (11.00, 13.00, 16.00, 21.00), «ВОСТОК» (10.00, 13.00, 16.00, 18.30, 21.45), «ДРУЖБА» (11.00, 12.00, 14.00, 15.00, 17.00, 18.00, 20.00), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 15.00, 18.00, 21.00, «НУКУС» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Она табассуми — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (21.00).

Қисқа муддатли отпуска — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «МОСКВА» (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 19.30, 21.00).

●

ЎЗБЕКИСТОН ТЕРИ ТАНОСИЛ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ **венерология** (2 ўрин) **мутахассислиги бўйича**

КЛИНИК ОРДИНАТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОНКУРС МУДДАТИ—ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар-15, Кафанов кўчаси, 104-уй.

●

Узбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг

ЎЗБЕКИСТОН ОНКОЛОГИЯ ВА РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

онкология мутахассислиги бўйича

КЛИНИК ОРДИНАТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КОНКУРС МУДДАТИ —эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чиғатой кўчаси, 383-уй.

●

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

1976 йил учун тутчилик мутахассислиги бўйича

СИРТҚИ АСПИРАНТУРАГА ҚЎШИМЧА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ҲУЖЖАТЛАР — 1 апрелгача қабул қилинади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ — 1—30 апрель кунлари ўтказилади.

Аспирантурага қабул қилиш қоидалари «Совет Узбекистони» газетасининг 1975 йил 11 декабрь сонида босилган.

Ҳужжатлар — қуйидаги адресга юборилсин: 700183, Тошкент шаҳри — 183, аспирантура бўлими. Телефон: 62-35-12.

●

СССР Рангли металлургия министрлиги

ЎРТА ОСИЕ ИШЧИЛАР ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИНИНГ ТОШКЕНТ СОТИШ ВА СОТИБ ОЛИШ БАЗАСИГА

Қурилиш техника назорати бўйича инженер, шофёрлар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

Республика радиоси коллективи хатлар бўлимининг мудири С. Турсунметовга ўғли **Аҳмад ТУРСУНМЕТОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Редактор **М. ҚОРИЕВ.**

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент ЛЕНИН проспекти № 41 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142.

Р. 13093.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Индекс 64583. В. — 61.